ПРЕЗИДЕНТНИНГ АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВИ

27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотларнинг, шунингдек, республикамиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан навбатдаги анъанавий учрашувини ўтказди.

Ўзбекистон раҳбари шу йил июль ойида бўлган учрашувдан сўнг ўтган давр мобайнида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда амалга оширилган ишларга ҳамда юртимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларига муфассал тўхталди. Жаҳонда юз бераётган муҳим воқеалар ҳамда айрим халқаро муаммоларга ўз муносабатини билдирди. Президент Ислом Каримовнинг учрашувда сўзлаган нутқи матбуотда эълон қилинмоқда.

Президент И. Каримов учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

(ЎзА).



СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ ЯНГИЛАНИШИ АСОСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ РАҲБАРЛАРИ, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан навбатдаги учрашувимизга йиғилганимиздан жуда хурсандман.

Кези келганидан фойдаланиб, Ўзбекистонга янгидан тайинланган элчилар: Япония элчиси жаноб Коичи Обата, Швейцария элчиси жаноб Пьер Хжановски, Малайзия элчиси жаноб Шарани Бин Иброҳим, Озарбойжон элчиси жаноб Ойдин Азимбеков, Чехия элчиси жаноб Лубош Добровски, Жазоир элчиси жаноб Риам Абдул Қодир, Польша элчиси жаноб Богуслав Качинскини шарафли лавозимда иш бошлагани билан яна бир бор самимий табриклайман.

Уларга ва ҳаммангизга мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган олижаноб ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Учрашувимиз 1996 йилнинг сўнгги кунларида ўтмоқда. **Кўп мамлакатларда халқ Рождество байрамини нишонламоқда ва мен ҳам зўр мамнуният билан сизларни кириб келаётган Янги йил билан табриклайман.**

Одатда янги йил бўсағасида бир йил давомида қилинган ишларга якун ясалади, амалга оширилган ишларга баҳо берилади, келгуси вазифалар белгилаб олинади.

Шу анъанага амал қилиб, бугун биз — Ўзбекистон ҳукумати, республикамиз халқи турмушнинг барча соҳаларини — сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётни ўзгартириш, халқаро алоқаларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш борасида кўзланган режаларни амалга оширишда нималарни уддалай олганимиз тўғрисида сизларни хабардор қилмоқчиман.

Аввало, сиёсий соҳада юз берган ўзгаришларни таъкидламоқчиман. Демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг асоси, негизидир.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир энг муҳим вазифалар, асосий йўналишлар Олий Мажлиснинг шу йил августда бўлиб ўтган VI сессиясида аниқ белгилаб берилди.

Сиёсий тизим ривожидаги қолоқлик ҳаётимизнинг барча соҳаларини жўшқин ривожлантиришга ва аввало, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, иқтисодий юксалишни таъминлашга ғов бўлиши мумкинлигини аниқлаб олдик.

Сиёсий тизимни ислоҳ қилишнинг ички ва ташқи сиёсатимиз асосий йўналишларига мос келадиган энг муҳим устуворликлари ҳозирги босқичда қуйидагиларга қараб белгиланади:

Биринчидан, фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг конституциявий асосларини амалга ошириш. Унинг қонунчилик ассослари ва янги демократик ташкилотларини шакллантириш.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан воситаларини таъминлашга доир аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

Сиёсий тизимни ислоҳ қилишнинг учинчи йўналиши — матбуотни, оммавий ахборот воситаларини демократиялаш, шу муносабат билан республикада ижтимоий ҳаётнинг бу муҳим соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарадиган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бу устуворликлар вақтинчалик бўлмай, жамиятимизни изчиллик билан янгилаш стратегиясининг асосий моҳиятини акс эттиришини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўтган йилда бу соҳада қандай ишлар амалга оширилганига қисқача тўхталиб ўтаман.

Аввало, жамиятимиз кундалик ҳаётида халқ турмушининг тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарига мос келадиган чинакам демократия қоидалари тобора кўпроқ қарор топаётганини айтиб ўтмоқчиман. Умумбашарий қадриятлар устуворлиги мустаҳкамланмоқда, янги демократик меъёрлар ҳаётимизга тобора яққол кириб келмоқда. Инсон ва фуқаро тафаккури ҳамда дунёқараши ўзгармоқда, унинг сиёсий фаоллиги ошмоқда.

Давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар демократик тус олмоқда. Давлатга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг ваколатлари кенгаймоқда. Уларнинг ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда, жамиятни бошқаришда тутган ўрни тобора салмоқли ва фаол бўлиб бормоқда.

Болали оилаларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида Фармон қабул қилингандан сўнг ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, айниқса, болали оилаларга нафақа беришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла қўмиталарининг иштироки кенгаймоқда. Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида махсус жамғармалар ташкил этилди. Бу жамғармалар маблағидан камхарж болали оилаларга нафақа тўланмоқда.

Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимида пенсия жамғармаси тузиш тўғрисидаги қарор имзоланди, бу эса пенсия ёшидаги кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ишларини янада собитқадамлик билан ўтказишга имкон беради.

Чинакам демократиянинг қонуний ва зарурий белгиси сифатида **сиёсий тизимни тубдан янгилаш, чинакам кўпартиявиликни шакллантириш учун асос солинди.**

Жорий йилнинг ўзида Олий Мажлис ҳуқуқий давлатни барпо этиш бўйича жами қирққа яқин қонун ҳужжатларини кўриб чиқди ва қабул қилди.

Олий Мажлиснинг ҳозир ўтаётган сессиясида кўриб чиқилган масалаларни (бу масалалар йигирмадан ортиқ) санаб чиқишнинг ўзи ҳеч қандай шарҳларсиз, биз бу муаммоларни шунчаки айтмаётганимиз ёки номига муҳокама қилмаётганимизни ишонарли тарзда кўрсатади. Жамиятимизни сиёсий жиҳатдан янгилаш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда. Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида «Сиёсий партиялар тўғрисида», Адвокатура ҳақидаги ва бошқа қонунларнинг қабул қилингани буни тасдиқлайди. «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмени) тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистнинг касбига оид фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва бошқа қонунлар лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Республика қонунлари инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштирилмоқда, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминлайдиган ташкилий тузилмалар — инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда амалдаги қонунлар мониторинг институти тузилмоқда.

Республикада оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва уларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланадиган ижтимоий-сиёсий жамғарма самарали фаолиятини бошлаб юборди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг демократик ташкилотлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ташаббуси ҳамда иштирокида шу йил 11-13 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Бу эса Марказий Осиё, Европа ва Америкадаги 21 мамлакат экспертларига, шунингдек, 29 халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар вакилларига Марказий ва Шарқий Европада Омбудсмен институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар фаолиятини ривожлантириш, қонун чиқарувчи тизимларни такомиллаштириш, шу-

(Давоми 2-бетда).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 28 декабрь, шанба № 164 (22.085).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ҚОНУНЛАРИМИЗ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Республика Олий Мажлиси еттинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама этилди. Мунозаралар ниҳоясида Президент Ислом Каримов сўз олиб, қонуннинг давлатимиз ҳаётидаги ўрни хусусида батафсил тўхталди.

Сессия кун тартибига қўйилган мазкур масаланинг ниҳоятда муҳимлигини таъкидламоқчи эдим, деди давлатимиз раҳбари. Бу ҳозиргина муҳокама қилганимиз келгуси йил бюджети билан чамбарчас боғлиқдир. Бюджет муҳокамасида сўзга чиққан депутатлар халқимизнинг эртанги кунини ўйлаб, унинг ёруғ бўлиши нуқтаи назаридан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Зеро, бюджет эртанги кунимизнинг ҳаётий масаласи бўлиб, аҳолининг ҳар бир тоифаси, табақаси, шаҳару қишлоқларда истиқомат қилаётган халқимизнинг тақдирига бевосита таъсир этади. Шу маънода билдирилган фикр-мулоҳазалар яна бир бор кўриб чиқилиб, сессиянинг қабул қилинажак қарорида ўз ифодасини топади.

Ана шу бюджетни бажариш, унда белгиланган кўрсаткичларга эришиш халқимизнинг меҳнати эвазига амалга ошади. Бу бунёдкорлик меҳнати учун тинч шарт-шароит яратиб бериш эса давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шу маънода, эртанги тақдиримиз қандай кечади, эзгу ниятларимизга қандай йўллар билан етамиз — бу бир томондан мамлакатимизнинг ташқи сиёсат майдонидаги фаолиятига ҳам боғлиқдир. «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонуннинг моҳияти ҳам шунга қаратилган. Чунки, бизнинг танлаган йўлимиз тўғрилигини, мақсадларимиз эзгулигини ҳаёт тасдиқлади. Эндиги вазифа ана шу халқ маъқуллаган ислоҳотлар йўлидан изчил боришдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, барпо этаётган ҳаётимиз фақат ўзимизга боғлиқ десак, унча тўғри бўлмайди. Ички муаммоларимизни ўзимиз еча оламиз, бунга шубҳа йўқ, деди Ислом Каримов. Лекин мамлакатнинг равнақ топиши учун унинг атрофида ҳам тинчлик бўлиши, ҳар хил ташқи ёвуз кучлар тараққиёт йўлига тўсиқ қўймаслиги керак.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, биз мураккаб ҳудудда яшаяпмиз. Сиз, депутатлар, халқ вакилларисиз, унинг кайфиятини сизнинг юзингизда ойнадек кўриш мумкин. Демоқчиманки, атрофимизда рўй бераётган воқеаларнинг хавотирли жиҳатини эътибордан соқит қилмаслик керак.

Бу вазиятни тушуниш, унинг нечоғли хавфли эканини англаш учун қуйидаги уч масалага тўхталиш зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан, бугун, XXI аср бўсағасида ҳеч ким — на бирон давлат, на бирон раҳбар урушни тарғиб этмайди. Ким билан гаплашманг, ҳамма тинчлик тарафдори эканини таъкидлайди. Шундай экан, ҳақли бир савол туғилади: унда нега дунёнинг турли минтақаларида урушлар бўляпти, бегуноҳ одамларнинг қони тўкиляпти?

Демак, шундай урушларнинг пинҳоний тарафдорлари, улардан манфаатдор кучлар бор. Қолаверса, мафкура одамларнинг бошини айлантиради. Мисол учун қўшни давлат — Афғонистонни олайлик. Бу ерда 18 йилдан буён қирғинбарот уруш тўхтамаяпти. Қанча одам қурбон бўлди, қанча уй-жойлар вайронага айланди. Агар ҳозир афғон халқидан сўрасангиз, ҳеч ким мен урушни хоҳлайман демайди. Лекин уруш тўхтамайди. Боя айтганимдек, бундан манфаатдор ташқи кучлар бор.

Биз қабул қилаётган қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унга кўра, Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокларга, мафкуралашган гуруҳларга қўшилмайди, дея таъкидлади Президент. Акс ҳолда, нисбатан кичик мамлакатлар катта давлатларнинг хоҳишини бажарадиган ҳолатга тушиб қолади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Аслида, Афғонистондаги уруш нимадан бошланган эди? Бунга ўша даврдаги Совет мафкураси сабабчи бўлди. Оқибатда бизнинг йигитларимиз ҳам бу урушга қўшилиб, қўшни мамлакат заминига қадам босди, гуноҳсиз гуноҳкорга айланди. Бу биз учун сабоқ бўлиши керак.

Ҳозир ҳам НАТОнинг Шарққа қараб кенгайишига жавобан МДҲ ҳудудида унга қарши ҳарбий блок тузайлик, деган даъватлар янграяпти. Биз охирини ўйламай, бу чақириқларга қўшилиб кетсак, нима бўлади? Кечаги кунимиз яна бошимизга тушади.

Иккинчидан, эски замонни қўмсаётган айрим аламзада кимсалар, шовинистик кайфиятлардан халос бўлолмаётган баъзи раҳбарлар МДҲни конфедерацияга айлантириш керак дейишмоқда. Конфедерация — мустақил давлатлар қисман ҳақ-ҳуқуқларидан воз кечиши, бошқача айтганда, ўз мустақиллигининг бир қисмини бировга бериши ҳисобига тузилиши мумкин. У ҳолда давлатлараро тузилмалар барпо этилиб, улар ор-

(Давоми 2-бетда).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 26 декабрь куни Тошкентда иш бошлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари Мажлислар залида ҳозир бўлдилар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Сессия мандат комиссияси раиси Ш. Мирзиёевнинг маърузаси юзасидан Олий Мажлисга янги сайланган депутатлар Ҳ. Ғаффоров, А. Мардиев, Ў. Исмоилов, Т. Жабборов ваколатларини тўғри деб топади.

Депутатлар сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузадилар, кун тартибини тасдиқлайдилар.

Биринчи масала - Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди. Лойиҳа тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов маъруза қилди. Парламент бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов қўшимча маъруза қилди. Музокараларда Жалолқудуқ тумани ҳокими М. Эгамова, «Ўзнефтгазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмасининг бошлиғи В. Товаровский, Элликқалъа тумани ҳокими А. Тожиев, мебель ишлаб чиқариш акционерлик бирлашмасининг бош директори М. Азимова, «Ўзэлектроаппарат» акционерлик жамияти бошқаруви раиси А. Алимбоев, «Қизилқумноёбметаолтин» концерни раиси Н. Кучерский, Олий Мажлис меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Г. Йўлдошева, Қўрғонтепа туманидаги «Савай» қишлоқ хўжалик саноати уюшмаси бош директори С. Исмоилов, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Ҳ. Жамолов сўзга чиқдилар.

Муҳокама тугагандан сўнг депутатлар қўмиталарда, фракцияларда ва сессияда киритган таклифларни ўрганиш учун Олий Мажлис ишчи гуруҳини тузди, унга бюджет бўйича қарор лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш ва уни парламентнинг ушбу сессиясида тасдиқлашга тақдим этиш топширилди.

Ташқи ишлар вазири А. Комилов Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди, Олий Мажлис халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари И. Юсупов қўшимча маъруза қилди.

Қонунни муҳокама қилишда Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў. Ҳошимов, Тошкент Давлат университети ректори вазифасини бажарувчи, «Халқ бирлиги» ҳаракати раиси Т. Долимов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Сигедин, «Миллий тикланиш» демократик партияси бошқаруви раиси И. Ғафуров, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу масала юзасидан сўзга чиқди.

Парламент республика ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисидаги қонунни бир овоздан қабул қилди.

Олий Мажлис қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов «Сиёсий партиялар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳусусида маъруза қилди, парламент уни иккинчи ўқишда кўриб чиқди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов, Тошкент аграр университети ректори Ҳ. Бўриев, Марғилондаги «Марғилон хон-атласи» акционерлик жамияти бошқаруви раиси О. Ғаниев сўзга чиққандан сўнг бу қонун ҳам қабул қилинди.

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў. Ҳошимов ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги, журналистнинг касбига оид фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари ҳақида маъруза қилди. Бу ҳужжатларни муҳокама қилишда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири А. Суюнов, Олий Мажлис иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг котиби Т. Файзуллаев, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири, «Адолат» социал демократик партияси сиёсий кенгашининг котиби А. Жўрабоев иштирок этди.

Республика Президенти Ислом Каримов ҳар бир кишининг ахборот олиш эркинлиги, демократик ҳуқуқий давлатда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни ва журналистларнинг вазифалари тўғрисида ўз фикрларини баён қилди.

Олий Мажлис бу қонунларнинг лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқуллади ва уларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсмен) тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Лойиҳани муҳокама қилишда Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти ректори Ҳ. Бобоев, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонунлар мониторинг институтининг директори А. Турсунов, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг ректори Н. Иброҳимов иштирок этди.

Бу қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда маъқулланди ва умумхалқ муҳокамасига қўйиладиган бўлди.

Парламент қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоиловнинг давлат хизмати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглаб, лойиҳани пухта ишлаб чиқиш учун қўмиталарга, тегишли вазирликлар ва идораларга юборишга қарор қилди.

Иккинчи ўқишда муҳокамага қўйилган нотариат тўғрисидаги қо-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА ЯНГИ ЙИЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИКНОМАЛАР КЕЛМОҚДА

Республикамиз Президенти Ислом Каримов номига яқинлашиб келаётган янги, 1997 йил муносабати билан табрикномалар келиб турибди.

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин, Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминь, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Ли Пэн, Покистон Ислом Республикаси Президенти Фарук Аҳмад Хон Легҳари, Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси президенти Акира Нишигаки ҳамда бир қанча хорижий ваколатхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларидан табрикномалар олинди.

(ЎзА).

Сессия залида туғилган ўйлар

МУҲИМИ – МУҲИТНИ ЎЗГАРТИРИШ

Кеча мамлакат Олий Мажлисининг навбатдаги еттинчи сессияси ўз ишини якунлади. Унда қандай қонун ва қарорлар қабул қилинганини, муҳтарам газетхон, расмий хабарлардан билиб оласиз. Мен ана шу сессия залида шуурим илғаган руҳ ҳақида гапириб беришга жазм этдим. Парламент аъзолари ҳар бир муҳокама этилган ҳужжат лойиҳалари билан сессиядан анча аввал бафуржа вазиятда танишиб чиқиш, биноборин ўзларига ишонч билдирган сайловчилари билан маслаҳатлашиб олиш имконига эга бўлганини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳа, айрим ўзини демократ деб кўкрагига урувчи мажлисбозлар усули бизга ёт. Бизнинг сессияда ҳеч ким жиққамушт бўлиб ёқа йиртгани йўқ, бирор депутат бошқасининг сочидан тортқилагани йўқ. Ўзбекистон депутатлари донишмандлик ва босиқ-вазминлик билан ўз мулоҳазаларини, сайловчилари истакларини баён этадилар. Шарқона демократия деганимиз худди шунинг ўзи бўлади.

Депутатлар халқнинг олий ҳокимиятдаги вакиллари, деган ибора шунчаки чиройли ибора эмас. Уларга қараб бутун халқнинг кайфиятини, руҳий ҳолатини аниқласа бўлади. Мамлакат ташқи сиёсатининг асосий тамойилларига бағишланган қарор муҳокамаси пайтида юртбошимиз омма ўртасида ташқи дунёдаги вазият ҳақида тушунтириш ишлари оқсаётганлигини ҳақли равишда таъкидлади. Биз қандай минтақада ва қандай шароитда яшаётганлигимизни унутмаслигимиз керак. Бир томонда Афғонистон, бир томонда Тожикистон давлатларида мураккаб вазият ҳукм сурмоқда. Қўшнинг тинч — сен тинч деган нақл бежиз айтилмаган. Бугунги кунда, айтайлик, афғон фуқароларидан «Сиз урушни хоҳлайсизми?» деб сурасангиз у, албатта, урушни истамаслигини айтади. Бу жафокаш диёр заминида жангу-жадалнинг тўхтамаётгани четдан туриб ўз манфаатини кўзлаган бошқа катта давлатларнинг «хизмати» туфайлидир. Халқимиз ана шундай бир вазиятда осойишта яшашга эришаётганлигимизнинг омиллари нимадан иборат эканлигини яхши тушунмоғи керак.

Бу ҳаёт-мамот масаласига бефарқ қараб бўлмайди. Ҳушёрликка, муҳокама этилаётган масала моҳияти ва мағзини чуқур англашга даъват бор бу сўзларда.

Фикрий тиниқлик мантиқий хулосалар чиқаришга асос бўлади. Журналистлар ҳаёти билан боғлиқ қонунлар лойиҳаси муҳокамасида бу ҳолат яна бир бир намоён бўлди. Нотиқлардан бири мазкур ҳужжатлар журналистни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилажагини далиллаш учун илгари танқидий чиқишларга бўлган тазйиқлар ҳақида гапирди. Нега ана шу тазйиқлар ҳақида газетангизда боплаб фельетон чиқармадингиз? Ахир журналистнинг ягона қуроли қаламику?! — Юртбошимиз масалани ҳудди шу тахлитда қўйди. Бутун зал илғари ҳам дуч келган ҳолатга тушди: дарҳақиқат, шундай қилса булади-ку! Бунчалик ёркин фикр барчанинг руҳини янгилаган дақиқада яна бир калом янгради: Агар шундай қилганингизда газетангизга обуна бўлувчилар сони янада кўпаярди. Ҳар бир масаланинг ижир-чижирига нозик идрок этиш ҳайратни келтириб турган бир пайтда Президент гап фақат бир кишида эмаслиги, умумий муҳит яратишимиз зарурлигини уқтирди.

Келгуси авлодларимиз тақдирига дахлдор қонунлар қабул қилаётганимизда бунга яна орадан беш-ўн йил ўтгач қандай баҳо беришлари мумкинлигини тасаввур этишимиз керак. Ҳа, йиллар ўтиб ҳам фарзандлар бугунги парламент хизматини нурли ҳаёллар билан эслайди. Ўшанда Ўзбекистон жаҳоннинг олди мамлакатлари қаторидан жой олган бўлади. Ва бугунги яратилаётган қонунлар, қабул қилинаётган ечимлар ўша ёруғ келажакка пухта пойдевор бўлгусидир. Олий Мажлиснинг еттинчи сессияси фаолиятининг асосий мазмуни шу йўлда муҳим қадамлар қўйишдан иборат бўлди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ШАРТНОМАНИНГ МАЖБУРИЯТИ ҲАМ БОР!

Бозор — бозор-да. Талабини ўрганиб, сўнг таклиф этмасанг, чув тушиш ҳеч гапмас. Шу боис ҳам шартнома асосида, эркин нархларда иш юритиш бозор иқтисодиётининг асосий механизми ҳисобланади.

Наманган вилоятидаги хўжалик субъектлари 1996 йил учун катта умидлар билан ўзаро шартномалар тузиб иш бошлашганди. Афсуски, шартномага бежирим имзо чеккан раҳбарлар ҳам, «молингизни сотиб берамиз» деб кўкрак керган «иккинчи томон»лар ҳам айни талаб ва таклифни пухта ўрганишмаган экан. Оқибатда биргина вилоят саноатчилари томонидан ишлаб чиқарилган бир миллиард 300 миллион сўмлик тайёр маҳсулотни ҳеч ким олмай, омборларни банд қилиб ётибди. «Ўлик» мол «Шойи», «Атлас», «Муштарий» сингари корхоналарда маблағ айланишига таъсир кўрсатмоқда, улар «ўтириб» боряпти.

Шартнома ва битимларни пала-партиш тузиш натижасида миллионлаб маблағлар бошқа давлатларда «саёҳат»да юрганига нима дейсиз? Масалан, вилоят тижорат банклари турли корхона ва ташкилотларнинг 752 та экспорт ҳамда мавоза (бартер) шартномаларини руйхатга олган. Шу ҳужжатларга биноан қатор МДҲ давлатлари билан ҳамкорлик қилинган ва 35 миллион Америка доллари миқдорида маҳсулотлар жўнатилган. Вилоятга эса жўнатилган товарларга нисбатан 68 фоиз қайтим бўлган, холос. Наманган шаҳридаги ташкилотлар томонидан олди-берди шартномасига мувофиқ саккиз миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатилгани ҳолда бунинг эвазига уч миллион доллар қийматидаги маҳсулот ва тушумлар олинган.

Косонсой тумани ташкилотлари эса Россия корхоналари билан тузган 37 та контрактни ҳанузгача охирига етказиша олмаяпти. Ёки 2 миллиард Россия рубли миқдорида маҳсулот жўнатиб, зўрға ярмисига яраша товар олганлар.

«Шартнома» сўзининг ўзаги «шарт». Шарт сўзининг луғавий маъноси эса, жумладан, «керак», «зарур», «лозим»га тўғри келади. Демак, мазкур ҳужжатда акс этган мажбуриятларни бажармасликка томонларнинг ҳаққи йўқ! Таассуфки, томонлар мажбуриятларни бажариш юзасидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга ҳам панжа орасидан қарамоқдалар. Вилоят хўжалик судининг раиси М. Муҳиддиновнинг айтишича, йил давомида шартномаларнинг бажарилишига оид бирорта ҳам даъво аризалари берилмаган. Тушунарли, ариза берилса, шартномага имзо қўйган ҳамкор-шерик «хафа бўлади». Лекин, бундай шартномалар ортида юзлаб қора кўзларнинг моддий тақдири турибди-ку!

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ ЯНГИЛАНИШИ АСОСИ

(Давоми. Боши 1- бетда).

нингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни хусусидаги мулоқотда кенг иштирок этиш имконини берди.

Тошкентда ҳукуматга қарашли бўлмаган «Хьюман райтс вотч/Хельсинки» ташкилотининг вакили иш бошлади. «Эмнисти интернейшнл» ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти билан фаол алоқа қилинмоқда.

ЕХҲТ ташаббуси билан 4-5 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилган «Оммавий ахборот воситалари демократиялаш шароитида» мавзусидаги семинар матбуотни демократиялаш жараёнини тезлаштиришда катта ижобий омил бўлди.

Кези келганидан фойдаланиб, ЕХҲТ, БМТ, БМТ тараққиёт дастури, «Аденауэр» жамғармаси ҳамда жамиятимизнинг демократик асосларини шакллантиришда, сўнгги йилларда республикамиз теварагида суньий равишда вужудга келган ғаразли фикрларни ўзгартиришда фаол иштирок этаётган бошқа халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари ҳамда институтларга, шунингдек, хорижий давлатларнинг элчиларига самимий миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман.

Нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида очиқ семинарлар ўтказиш бизга нисбатан қилинган уйдирмаларни ва сохта фикрларни улоқтириб ташлади.

Муҳим бир фикрни таъкидлаб ўтмоқчиман – республикамизда сиёсий ислоҳотлар кимларгадир демократия тарафдори эканимизни исботлаб бериш, намойиш қилиш учун амалга оширилаётгани йўқ. Қандайдир обрў орттириш мақсадида қилинаётгани йўқ. Бу объектив заруратдир, жоиз бўлса, объектив қонуниятдир. Бу бизнинг чинакам манфаатларимизга мос келади.

Агар қисқа ва лўнда қилиб айтадиган бўлсак, **иқтисодий соҳада** амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий натижалари қуйидагилардир.

Биринчиси. Доимий иқтисодий барқарорликка эришилди. Ички ялпи маҳсулот биринчи марта ошди ва кутилган 99,8 фоиз ўрнига 101,6 фоизни ташкил қилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш деярли 6 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,8 фоиз кўпайди. Асосий, етакчи тармоқлар — металлургия, кимё ва нефть кимёси саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати жадал суръатлар билан ривожланди. Давлат бюджети камомади ялпи ички маҳсулотнинг 3,5 фоизидан ошмади. Ташқи савдо оборати 8,3 миллиард доллардан ошиб кетди ва 1995 йилдаги даражадан деярли 40 фоиз кўпайди.

Иккинчиси. Етарли даражада кескин пул-кредит сиёсатини ўтказиш ҳисобига пул ҳажмининг ўсиш суръати 1995 йилдаги 2,6 баравардан бу йил 2 бараварга камайди. Пулнинг қадрсизланиш даражаси йиллик ўртача ҳисобда 2 баравар камайди. Бироқ пулнинг қадрсизланиши ҳамон йилига 60 фоиз даражасида турганини тан олиш керак. Шу сабабли ёки 1997 йилда пулнинг қадрсизланишини 26-29 фоизга камайтириш чораларини белгиладик.

Учинчиси. Иқтисодиётимиз тизимида, унинг етакчи соҳаларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди. Ялпи ички маҳсулотда саноат ва хизматнинг улуши кўпайди. Ишлаб чиқариш қувватлари тез суръатлар билан янгиланмоқда, замонавий технологиялар жорий этилмоқда, саноатнинг экспорт базаси кенгаймоқда. Йил давомида саноат маҳсулотининг 150 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, натижада бу маҳсулотларни четдан келтиришни камайтириш ҳисобига деярли 70 миллион АҚШ доллари тежаб қолинди. Дон етиштириш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан кўпайди.

Тўртинчиси. Иқтисодиётга сармоя киритиш шароити анча яхшиланди, сармоя ҳажми ҳам кўпайди. Хорижий маблағ иштирокидаги сармояларнинг умумий ҳажми 1996 йилда 6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди.

Иқтисодиётда ўзлаштирилаётган сармояларнинг умумий ҳажмида сармоянинг ички манбалари анча кўпайди. Жорий йилда жами 3,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ўзлаштирилган бўлса, шунинг 1 миллиард долларга яқини хорижий сармоядир.

Шу ҳисобдан «УзДЭУавто», «Кобул-Тўйтепа-Текстайлз», «Ўзсаламан» каби қўшма корхоналар, Қарши шаҳридаги тўқимачилик мажмуи, бир қанча озиқ-овқат саноати иншоотлари ва бошқалар ишга туширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қизилқум фосфорит заводи, Кўнғирот сода заводи қурилиши давом этмоқда, қимё, машинасозлик саноати ва бошқа тармоқлар корхоналари қайта қурилмоқда.

Америкининг «Кейс корпорейшн» ва «Камминз энжин ко инк.» компаниялари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини деярли 140 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қишлоқ хўжалик техникасининг асосий турлари билан таъминлаш дастури амалга оширилмоқда.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бироқ иқтисодиётдаги вазиятга баҳо берар эканмиз, барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича белгиланган маррага чиқа олмаганимизни ҳам тан олишимиз керак. Юқорида таъкидлаганимдек, бу аввало пулнинг қадрсизланиши даражасига тааллуқлидир. Жорий йилдаги оғир қишлоқ хўжалик мавсуми якунлари, биринчи навбатда пахтачилик соҳасидаги натижалар иқтисодиётни ривожлантириш даражасига салбий таъсир қилди.

Миллий валюта — сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштириш билан боғлиқ саволлар берилишини олдиндан сезиб куйидагиларни айтмоқчиман. Республика валюта биржасида алмаштирилаётган хорижий валюта ҳажми йил сайин кўпаймоқда. 1995 йилда валюта биржасида 1,3 миллиард АҚШ доллари сотилган бўлса (бу 1994 йилдагидан 14 баравар кўп), бу йил 3,3 миллиард АҚШ доллари сотилди. **Бунинг устига бирждаги савдо асосан республиканинг ўзидаги валюта тушумлари ҳисобидан таъминланмоқда.**

Ноябрь-декабрь ойларида конвертация учун сарфланадиган марказлаштирилган валюта ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирларнинг моҳияти валюта сиёсатимизга баъзи ўзгартишлар, валютани алмаштиришга доир йўналишларимизга тузатиш киритишдан иборат.

Бу ўзгаришлар муносабати билан вужудга келган муаммолар тўғрисида гапирганда, масалага зарур аниқлик киритишни хоҳлар эдим.

Биринчидан, Ўзбекистон халқаро валюта жамғармаси низомининг жорий пул алмаштириш тўғрисидаги 8-моддасини ҳали имзолагани йўқ ва бинобарин бу борада зиммасига ҳеч қандай мажбурият олган эмас.

Иккинчидан, Ўзбекистон бозорида ишлаётган ва замонавий техника ҳамда технология етказиб бериш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, сифатли истеъмол маҳсулотларини сотиш билан шуғулланаётган бирорта катта фирма, компания, ҳуқуқий шахс бундан ҳеч қандай зарар кўргани йўқ. Аксинча, тегишли кафолатларга эга бўлган тижорат банклари бўйича чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Умуман олганда, солиқдан олинадиган даромад ялпи ички маҳсулотнинг 25 фоизини ташкил этадики, бу 1995 ва 1996 йиллардагига қараганда 3 пункт камдир.

Бюджетнинг харажат қисмида ҳам жорий йилдагига нисбатан ўзгартишлар кўзда тутилган. Ижтимоий соҳани таъминлаш ва ривожлантириш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза этишга кетадиган харажатлар улуши ошди. Бюджетдан ажратиладиган маблағнинг қарийб 47 фоизини шу мақсадларга йўналтириш мўлжалланмоқда. Саноатлар ҳамда халқ хўжалигини ривожлантиришга ажратиладиган маблағ миқдори ҳам сезиларли даражада ошган. Бюджет ҳисобидан таъминланадиган сармоялар ҳажми 60 миллирад сўм ёки бюджетда кўзда тутилган барча харажатларнинг 19 фоизини ташкил этади. Айни пайтда шу йилнинг ўзидаёқ маъмурий -бошқарув ходимлари сонининг 20 фоиз қисқартирилгани ҳисобига бу мақсад учун ажратиладиган маблағ миқдори ҳам кескин камайтирилган.

Маҳаллий бюджетларни молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳажми, шу билан бир қаторда уларнинг масъулияти ҳам сезиларли даражада ошади. Республиканинг 1997 йил учун мўлжалланган бюджетининг даромад қисмида маҳаллий бюджетлар улуши қарийб 54 фоизни ташкил этади.Маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетининг харажат қисмидаги улуши ҳам тахминан шунча фоиздан иборат бўлади.

Бюджетимизнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда мудофаа учун жуда кам харажат кўзда тутилган. Бюджет тузилмасида мудофаага мўлжалланган харажат 4,3 фоизни ёки ялпи ички маҳсулотнинг 1,4 фоизини ташкил этади. Умуман олганда, барча маъмурий органлар харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5 фоиздан ошмайди.

Маънавий соҳани оладиган бўлсак, якунланаётган йил ўзбек халқининг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби Амир Темур юбилейи белгиси остида ўтди. ЮНЕСКОнинг бу санани бутун дунёда кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорини бизнинг қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, Ўзбекистоннинг инсоният цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасига берилган юксак баҳо, деб биламиз.

Йил бошида бу ташкилотнинг Париждаги қароргоҳида бошланган юбилей тадбирлари ўнлаб мамлакатда илмий анжуманлар, китобхонлар конференциялари, кўргазмалар, ҳамкорликда яратилган театр ва кино асарлари билан давом эттирилди.

Буюк давлат арбоби ва саркарда ватанида эса сохибқиронга ҳайкаллар ўрнатилди, шунингдек нодир темурийлар даври тарихи музейи қурилди.

Мазкур юбилейни ўтказишда бу ерда ҳозир бўлган дипломатларнинг кўпчилиги жуда катта ёрдам кўрсатди. Фурсатдан фойдаланиб, уларга самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Халқимизнинг маънавий тараққиётига улкан аҳамият берган ҳолда биз 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилдик ҳамда кишиларимизнинг маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлари билан боғлиқ муаммоларни янада кенгроқ миқёсда ҳал этиш ниятидамиз.

Хонимлар ва жаноблар!

1996 йилни Ўзбекистон учун жаҳондаги жуда кўп халқаро ташкилотлар ва мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик йили бўлди, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Амалга оширилган расмий ташрифлар ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан ўтказилган музокаралар шунингдек, Ўзбекистон делегацияларининг халқаро анжуманлардаги иштироки ҳақида гапирадиган бўлсак, мен асосан, 1996 йилнинг октябрь-декабрь ойларида юз берган воқеаларга тўхталишни истардим. Чунки дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари бундан олдин юз берган воқеалар хусусида илгари бўлиб ўтган учрашувларимизда хабардор қилинган эди.

Якунланаётган йилда халқаро ташкилотларнинг ёрдам дастурларини амалга ошириш юзасидан фаол иш қилинди. БМТ, Европа Ҳамжамияти комиссияси, ЕХҲТ, Евпропа тараққиёт ва тикланиш банки, Халқаро валюта жағармаси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистонга катта ёрдам кўрсатмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг ЕХҲТ билан ҳамкорлигимиз хусусида бироз гапирмоқчи эдим.

Бу ҳамкорлик даражаси ЕХҲТ билан биргаликда ўтказилаётган тадбирлар ҳамда бу ташкилот масъул ходимларининг Ўзбекистонга ташрифларида яққол кўриниб турибди. Август ойида АҚШнинг ЕХҲТ ҳузуридаги делегацияси бошлиғи, элчи Сэм Браун Тошкентга ташриф буюрди. У билан мазкур ташкилот доирасида бундан буёнги ҳамкорлигимиз масалалари муҳокама этилди. Кейинроқ эса ЕХҲТнинг «учлик» делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Кейинги пайтнинг ўзидаёқ ЕХҲТ ташаббуси билан Тошкентда жамиятимизни демократлаштиришнинг муҳим муаммолари бўйича учта йирик анжуман ўтказилди.

Биз ЕХҲТнинг Марказий Осиёдаги миссияси ҳамда бу нуфузли ташкилотнинг бошқа тузилмаларидан амалга ошираётган фаол ишлари учун жуда миннатдормиз.

ЕХҲТнинг Лиссабонда ўтказилган анжуманида Ўзбекистон делегациясининг иштирок этишини ўтган давр мобайнида юз берган ўта муҳим воқеалар сирасига киритиш лозим. Бу анжуман доирасида Ўзбекистон ўзининг хавфсизлик муаммоларига оид нуқтаи назарини ифода этиш имконига эга бўлди. Бу анжуманда ЕХҲТнинг Марказий Осиёдаги фаолиятини янада фаоллаштириш хусусидаги даъватимиз яхши англаб етилди ҳамда Лиссабон декларациясида ҳужжат сифатида белгилаб қўйилди. Аслини олганда, бу ЕХҲТ мазкур минтақадаги барқарорликни қўллаб-қувватлаши ҳамда зиддиятларнинг олдини олишда қатнашиш истагини ўз ҳужжатларида қайд этган биринчи ҳолдир.

Бизнинг можаролар давом этаётган зоналарга яширинча курол етказиб беришни тақиқлаш тўғрисидаги таклифимиз Лиссабон учрашувининг якуний ҳужжатида ўз аксини топганини қайд этиш қувончлидир.

Хавфсизликнинг, жумладан, Европа хавфсизлигининг ҳам чегараси йўқлиги ҳақидаги фикр бугунги кунда ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Минтақамиз мустаҳкамлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш ишида биз жаҳондаги етакчи давлатлар, халқаро хавфсизлик тузилмалари билан ҳамкорлик муносабатларимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва кенгайтиришга катта аҳамият берамиз.

Биз Брюсселда НАТО бош котиби Х. Солана билан бўлган учрашувимизни жуда муваффақиятли ўтди, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури иштирокчисига айланганидан сўнг биз бу ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилмоқдамиз. Музокаралар жараёнида минтақамиздаги тинчликни сақлаб қолиш, Афғонистондаги можарони сиёсий воситалар билан бартараф этишга қаратилган ташаббусларимиз тўла англаб етилди ҳамда қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон 1996 йилда Европа Иттифоқи билан бир қанча муҳим халқаро ва ҳукуматлараро битимларни имзолади. Улар орасида **Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги оралиқ битими ҳам бор.** Бу ҳужжат июнь ойида Флоренцияда имзоланган Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимнинг мантиқий давоми бўлиб, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар қўшма лойиҳаларни бугунги куннинг ўзидаёқ амалга ошириш имконини беради.

Европа Иттифоқи комиссияси раиси жаноб Ж. Сантер билан Марказий Осиё давлатлари ҳамда Европа тузилмаларининг наркотик моддалар тарқатилишига қарши биргаликдаги ҳаракатлари ва бу мақсадларда тасис дастури доирасидаги лойиҳалардан фойдаланиш зарурлиги хусусида эришилган битимларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз Европа Иттифоқининг наркотик моддаларни тайёрлаш ҳамда ўз мамлакатлари орқали олиб ўтишининг олдини олишда Марказий Осиё мамлакатларига ёрдам бериш ҳақида шу йил 14 декабрь куни Дублинда қабул қилган қарорини юксак баҳолаймиз.

1996 йилда энг аввало иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан икки томонлама асосдаги ўзаро муносабатлар сезиларли даражада кенгайди ҳамда мустаҳкамланди.

Америка Қўшма Штатлари билан ҳукуматлараро даражада ҳам, жамоат ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар орқали ҳам муносабатларимиз муваффақиятли ривожланмоқда. АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), АҚШ ахборот хизмати (ЮСИС), савдо ва адлия вазирликлари томонидан молиявий таъминланаётган дастурлар бўйича Ўзбекистонда миллий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлигимизни алоҳида таъкидлашни истардим. Кейинги уч йил мобайнида бу дастурлар бўйича Ўзбекистоннинг 861 фуқароси, жумладан, уларнинг 451 нафари АҚШда касб ўрганди ва тахсил олди.

Бу дастурлар кадрларимизнинг ижтимоий таъминот, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, экология, менежмент, иқтисодиёт ва қонунчилик тизимини ислоҳ этиш, бозор иқтисодиётига йўналтирилган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, солиқ сиёсати, банк иши, оммавий ахборот воситалари, инсон ҳуқуқлари ва демократик тараққиёт сингари бир қанча муҳим йўналишлар бўйича таҳсил олишини кўзда тутади.

Элчи жаноблари Стэнли Эскуделонинг менга яқинда хабар қилишича, бу дастурлар кейинги йилларда ҳам давом эттирилади ва кадрлар тайёрлаш бўйича янги йўналишлар билан тўлдирилади.

Европа мамлакатлари билан ўзаро муносабатлар борасида Ўзбекистон делегациясининг Белгия қироллигига (ноябрь ойида) ва Португалия Республикасига ташрифини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ташриф чоғида Белгия қироли Альберт II, Белгия Бош вазири Жан-Люк Дехани, мамлакатнинг етакчи бизнесменлари билан бўлиб ўтган учрашувларда икки томонлама ҳамкорликни, биринчи навбатда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда томонларнинг мавжуд имкониятларидан фаол фойдаланиш йўллари муҳокама қилинди.

Учрашувлар натижасида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган қўшма сиёсий декларация, иккиёқлама солиқ олмаслик ҳамда даромад ва капиталдан солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенция, шунингдек, ҳаво йўли тўғрисидаги битим имзоланди.

Португалия Республикаси раҳбарлари билан учрашувлар ғоят самарали бўлди. **ЕХҲТнинг олий даражадаги учрашуви даврида Президент Ж. Сампайя ва Бош вазир А. Гутерреш билан суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича кенг фикрлашиб олинди.** Туризм ва ҳаво йўли бўйича имзоланган битимлар Ўзбекистон — Португалия ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорлик учун замин ҳозирлади. Бу муносабатлар истиқболи яхшилигига аминмиз.

Ўз навбатида биз Греция Республикаси ташқи ишлар вазири жаноб Теодорос Пангалос бошчилигидаги шу мамлакат делегациясини 1996 йил 27-29 ноябрда қабул қилиш шарафига муяссар бўлдик.

Ташриф чоғида ўзаро фойдали икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бир қанча масалалар муҳокама қилинди. **«Консуллик муассасаларини очиш тўғрисидаги битим» ва «Ҳаво йўли тўғрисидаги битим» имзоланди.** Бу ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришига ишонаман.

Уэльс шаҳзодаси Чарльзнинг ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи муҳим воқеа бўлди. Бу ташриф Буюк Британия жамоатчилигининг халқимиз тарихи ва маданиятига жуда катта эътибор бераётганидан далолатдир. Биз шаҳзода Чарльзнинг Орол денгизи муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришга қизиқаётганини ва бу борадаги шахсий саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаймиз. Шаҳзода Чарльз иштирокида Тошкент шаҳрида Британия кенгашининг шаҳобчаси очилди.

Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимиз ҳам самарали бўлди. Бош вазир Ў. Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Японияга расмий ташрифи натижаларини алоҳида таъкидламоқчиман. Ташриф чоғида Япония Бош вазири Ротаро Хашимото, хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси президенти Акира Нишигаки, транспорт вазири Макото Кога, ташқи савдо ва саноат, молия, ташқи ишлар масалалари бўйича давлат котиблари ҳамда бир қанча расмий шахслар ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар вакиллари билан самарали учрашувлар ва суҳбатлар бўлди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта жиҳозлаш, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги аэропортларни таъмирлаш лойиҳалари бўйича кредит битимлари, шунингдек, давлат ва ижтимоий қурилиш академиясида иқтисодий таълимни ташкил этиш тўғрисидаги протокол ҳамда бошқа ҳужжатлар ва битимлар имзоланди.

Мазкур ташрифни тайёрлагани ва муваффақиятли ташкил этгани учун Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Коичи Обатага минатдорлик изҳор қиламан.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг 1996 йил 21 октябрда Тошкентда ўтган IV учрашувини муҳим халқаро воқеалар сирасига киритмоқ керак. Бу учрашув халқларимизнинг тарихий, этник-маданий ва маънавий яқинлиги туркий тилли давлатлар муносабатларининг асоси эканини яна бир бор тасдиқлади.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг анъанага айланиб бораётган олий даражадаги учрашувлари дастлабки босқичга хос бўлган номаълумдан сиёсийлаштириш хусусиятдан халос бўлгани мамнуният билан қайд этамиз. Ҳозир бу учрашув иштирокчилари ўз халқларининг равнақини кўзлаб, кўпроқ диққат-эътиборни иқтисодий соҳадаги энг муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратмоқдалар.

Масалан, **«Буюк ипак йўлини қайта тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатлар маданий меъросини сақлаш ва барқарор ривожлантириш»** қўшма дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилди. Сайёҳлик йўналишларини кенгайтириш ва туризмнинг тегишли инфратузилмаларини ривожлантириш бу дастурнинг мақсади бўлади.

Транспорт тизимини ривожлантириш ҳамда Транскавказ йўлагидан фойдаланиб транзит ва темир йўл алоқаси бўйича Серахсда имзоланган тўрт томонлама ахдномани тезроқ амалга оширишга доир фаолият ҳам иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан муносабатлар ҳам ривожланди. Маълумки, биз бу ҳамдўстлик доирасида икки томонлама ва минтақавий асосдаги алоқаларни ривожлантиришни афзал деб биламиз.

Туркманистон Президенти С. Ниёзов ва Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаевнинг расмий ташрифлари натижалари халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ҳамкорликнинг барқарор ривожланишига хизмат қилди.

Ўкрина Бош вазири П. И. Лазаренко ва шу мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғи Г. И. Удовенконинг 1996 йил сентябрь ва декабрь ойларида Ўзбекистонга расмий ташрифи **икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга ҳамда муносабатларимизни аста-секин стратегик ҳамкорлик даражасига олиб чиқишга кўмаклашди.**

Минтақа хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишга алоҳида тўхталмоқчиман. Биз учун бу ташқи муносабатлардаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада Афғонистон мавзуси асосий ўринда туради.

Нақадар мураккаб бўлмасин, **Афғонистон теварагидаги аҳвол билан боғлиқ масалада бир қанча жиҳатлар кўзга ташланмоқдаки, улардан бу мамлакатда тинчлик жараёнини бошлаш учун фойдаланиш мумкин.**

Мен нималарни кўзда тутяпман?

1. Совет қўшинлари олиб чиқиб кетилгандан сўнг халқаро ҳамжамият илк бор Афғонистон муаммосига, бошқача айтганда, ҳақиқатан ҳам «жиддий назар» билан қаради. БМТ, ИКТ, ЕХҲТ, ЕИ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар, Афғонистонга қўшни мамлакатларгина эмас, жаҳон сиёсатида катта ўрин тутувчи бошқа ривожланган давлатлар ҳукуматлари, ижтимоий-сиёсий доиралари ҳам бу можарони бартараф этишга тобора кучли қизиқиш билдирмоқда.

2. Қўплаб мамлакатлар можарони БМТ, ИКТ ва бошқа нуфузли халқаро тузилмаларнинг фаол воситачилигида халқаро ҳамжамиятнинг мувофиқлаштирилган ва ўзаро келишилган саъй-ҳаракатлари орқали ҳал этиш мумкин, деган фикрга қўшилмоқда.

3. **Ўзбекистон Республикасининг Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш тўғрисидаги ташаббусини халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг таклифларимиз БМТ Хавфсизлик Кенгаши, ЕХҲТ, Европа парламенти, ИКТга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари конференциясининг сўнги даврда қабул қилган қарорларида эътиборга олинди.**

4. Жаҳоннинг бир қанча етакчи мамлакатлари ва трансмиллий компаниялари транспорт йўллари соҳасидаги кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишни бошлаб юборишга тайёрдир, бу Афғонистонни урушдан кейин қайта тиклашга ва унинг иқтисодий тараққиётига кўп даражада ёрдам берган бўлур эди.

Кўшни Тожикистондаги можарони ҳал этиш минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон тожикларо зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлайди. Бунинг сабаби аввало шундаки, бу муаммони ҳал этишнинг бошқа йўли йўқлигига қатъий ишонамиз.

Биз БМТ ва Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари иштирокида ва воситачилигида Москва шаҳрида яқинда ўтказилган Тожикистон ҳукумати билан Бирлашган тожик мухолифати (БТМ) ўртасидаги музокараларнинг натижаларини табриклаймиз. Москва шаҳрида имзоланган икки ҳужжат: «Тожикистон Президенти билан БТМ раҳбари ўртасидаги битим», шунингдек, миллий яраш комиссиясини тузиш, унинг асосий вазифалари ҳамда ваколатлари тўғрисидаги протокол муайян умид бахш этмоқда.

Бу ҳужжатларда биринчи марта қуйидаги муҳим масалаларни ҳал этиш йўлларини топишга ҳаракат қилинган:

— амалдаги конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш ва умумхалқ референдумига қўйиш;

— парламентга ва маҳаллий вакиллик органларга сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳасига таклифлар киритиш;

— мухолифат вакилларини ижроия ҳокимияти тузилмаларига киритиш;

— умумий авф эълон қилиш ва ҳарбий асирларни алмашиш;

— қочоқларнинг ватанига қайтиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

— 1-1,5 йилга мўлжалланган ўтиш даврида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш.

Буларнинг ҳаммаси жафокаш Тожикистон диёрида тинчлик, барқарорлик ўрнатилишини чин қалбдан истаган ҳар бир кишини мамнун қилмаслиги мумкин эмас.

Сўнгги йилларда тожикларо можаролар билан боғлиқ воқеаларнинг боришини диққат билан кузатиб турган кишилар Москвада имзоланган ҳужжатлардаги кўп қоидалар Ўзбекистоннинг Тожикистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш юзасидан биз расмий минбарлардан туриб бир неча бор ўртага қўйган ва матбуотда эълон қилинган таклифлари ҳамда ташаббусларини акс эттирганига эътибор бермаслиги мумкин эмас.

Бу таклифлар сўнгги марта шу йилнинг октябрь-ноябрида, яъни, Москвада музокаралар бошланмасидан олдин Тожикистон ҳукуматига, тожик мухолифати раҳбариятига, шунингдек, БМТ Бош котибининг Тожикистондаги махсус вакили Д. Меремга етказилган ва тинчлик жараёни учун асос сифатида мақбуллиги эътироф этилган эди.

Гап тожикларо қуролли можарони ижобий ҳал этишга доир кўплаб таклифлар, таассуфки, манфаатдор томонлар ва аввало Тожикистон раҳбарияти томонидан рад этилгани тўғрисида бормоқда. Вақт ўтиши билан кеча рад этилган таклифларга яна қайтишга мажбур бўлмоқдамиз. Вақт ўтиши билан рақиб томонлар келишиб олиши мумкин бўлган позициялар бой берилмоқда. Натижада бир-бирига қарама-қарши туриш давом этмоқда, можарога янги-янги кучлар жалб этилиб, фожиа янада чуқурлашмоқда.

Бундай вазиятда англаб олиш лозим бўлган энг асосий нарса кишиларнинг сабр-тоқатидир, Тожикистон аҳолисининг сабр косаси тўлиб тошмоқда.

Москвада аҳдлашувга эришилганидан кейин маълум вақт ўтгач, бу аҳдлашувларнинг ҳаммаси яна қоғозда қолиб кетганлигини қайд этишни истамас эдик.

Агар аҳдлашув қоғозда қолиб кетса, мухолифат томонидаги муайян гуруҳлар бу вазиятдан ўз кучларини тўплаш, 1997 йил баҳорида фуқаролар урушини яна авж олдириш мақсадида, зарур имкониятни яратиб олиш учун фойдаланиши мумкин.

Фақат сиёсий музокаралар йўли билангина жафокаш Тожикистон диёрида тинчлик ва барқарорликка эришиш мумкин, бу муаммони ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Ниҳоят, ўзаро келишувга эришиш учун сиёсий иродани намойиш қилиш керак.

Бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўзаро ён босиш йўлидан бориб, бир-бирларига пешвоз чиққан шароитдагина Тожикистонда «Афғонистон фожиаси» — фуқаролар уруши авж олиши такрорланишига йўл қўймаслик мумкин. Буни бир-бирига қарши курашаётган томонларгина эмас, уларнинг орқасида турганлар ҳам англаб олиши лозим.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Доимий учрашувларимиз яхши аҳанагага айланганидан хурсандман ва ошкора ҳамда хайрихоҳлик билан ҳамкорлик қилишни жуда қадрлайман.

Янги йилда сизларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, оилангизга осойишталик, мамлакатларингиз халқларига равнақ тилашга рухсат этгайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ҚОНУНЛАРИМИЗ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

(Давоми. Боши 1- бетда).

қали катта давлатлар бошқаларга тазйиқ ўтказа бошлайди. Демак, биз бу хавфни доим назарда тутишимиз, ана шундай мафкуралашган гуруҳларга қўшилиб кетмаслигимиз керак. Чунки, кейин бундай қўшилишнинг оқибатидан қутулиш қийин, тўғрироғи, кеч бўлади.

Учинчидан, биз тараққиёт йўлимизнинг бошидаёқ ташқи сиёсатдаги ўз йўналишларимизни аниқ белгилаганмиз. Ҳар қандай давлат билан — у узоқми, яқинми — тенг манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Блокларга, гуруҳларга қўшилиш эса бизнинг бу борадаги имкониятларимизни чеклаб қўяди. Масалан, фалон давлат, дейлик, Корея билан ҳамкорлик қилаверайликми, деб кимдандир сўрашга мажбур бўламиз. Бу мустақил давлат учун мақбул эмас, албатта. Қонуннинг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири ҳам айни шундадир.

Биз ички сиёсатимиз ҳақида, умуман, мамлакатимиз ҳаёти тўғрисида кўп гапирамиз. Лекин ташқи сиёсатимизни матбуот орқали одамларга тушунтириб бериш ишлари суст бормоқда. Биз турли можаро ва «савдо»ларга дуч бўлиб қолмаслигимиз учун атрофга зийраклик билан назар ташлашимиз, одамларда теран дунёқарашни шакллантиришимиз керак. Нотинч дунёда яшаётганимизни, унда турли «ўйин»лар кўплигини унутмаслик лозим. Токи, Афғонистон ва Тожикистонда тинчлик қарор топмас экан, биз ўзимизни хавфдан ҳоли деб ҳисоблай олмаймиз. Ватанимиз манфаати ташқи сиёсатда ҳам, ички сиёсатда ҳам узоқни — 10-15 йилни олдиндан кўриб, сезгирлик билан фаолият юритишни тақозо этади, дея таъкидлади Президент.

Бугун 1996 йилга якун ясаб, мустақиллик йилларида нималарга эришганимизни сарҳисоб қиляпмиз. Келгуси йил режаларини белгилаяпмиз. Фараз қилинг 5-10 йилдан кейин Ўзбекистон қандай бўлади? Биз қийин шароитда келажагимиз пойдеворини қуриб олдик. Бунга ўрнимизга келадиган ёш авлод қандай баҳо беради, лойиҳаларимиз, дастурларимиз, ишларимизни тарозуга солиб кўриб нима дейди? Ҳар биримиз ана шу саволларни дилга тугиб меҳнат қилишимиз лозим. Менинг ишончим комилки, Ўзбекистон халқи фаровон турмуш кечирадиган буюк давлат бўлади. Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз. Муҳими, бизга биров халақит бермаса бас. Асакадаги автомобиль, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводлари каби йирик корхоналар тимсолида ана шу кунларга замин ясаяпмиз. Мен сизларни бир нарсага даъват қилмоқчиман. Биз ўз тақдирини қўлига олган, порлоқ келажагини бунёд этаётган битта, якдил халқ эканимизни ҳеч қачон унутмайлик. Оллоҳ наси

ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ ФРАКЦИЯСИ РАИСИ АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(102-Янгиқўрғон сайлов округи)

Муҳтарам Президент!
Ҳурматли Олий Мажлис Раиси ва депутатлари!

Ватанимиз қонун чиқарувчи олий идорасининг бугунги сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётгани ўзига хос, жиддий аҳамиятга молик, ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Биз, буни аввалambor, қуйидагиларда кўрамиз:

Биринчидан, мазкур ҳодиса Олий Мажлиснинг илк сессиясида **«Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари»** номли дастурий маърузада: **«...Яқин келажакда фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашувини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга эътибор бериш зарур. ...Бугунги кунда биттагина қонун эмас, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, уюшмалар ҳуқуқини оширадиган, уларнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб берадиган, давлат ишларига таъсирини кучайтирадиган бутун бир қонунлар тизимига эҳтиёж сезилмоқда»**, деб олға сурилган муҳим ғоянинг ҳаётий воқеликка айланаётганлигини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, у мустақил мамлакатимизни илғор, демократик сиёсий жараёнлар мантиқи ўзанларида собитқадамлик билан ҳаракат қилаётганлигидан ёрқин далолат бермоқда. Зеро, -замонамизнинг асл, чинакам демократик давлатларини сиёсий партияларнинг тўлақонли фаолиятисиз сира тасаввур этиб бўлмайди. Ўз навбатида, бизнинг ҳам, истиқболимизни демократиясиз, демократияни эса, сиёсий партиялар, уларнинг самарали фаолиятисиз тасаввур эта олмаслигимизни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Маънавият ва демократия масалаларининг, ўтиб бораётган 1996 йилда, Ўзбекистонимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига алоҳида тароват бахш этганлиги ҳам асло бежиз эмас. Зотан, юртимизда адолатли, инсонпарвар жамият қуришдек эзгу мақсадга фақат юксак маънавият, жўшқин ақл-заковат ва тегишли тарздаги ижтимоий-сиёсий уюшқоқлик негизидагина эришишимиз мумкин.

Учинчидан, мамлакатимиз фуқароларининг кўзланаётган мақсадлар йўлида, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, уюшиб ҳаракат қилишлари хусусидаги конституциявий қоидани аниқлаштириш ва уни янада ривожлантиришга қаратилган —«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши — ўз Дастурида чинакам кўппартиялиликни демократиянинг пойдор белгиси, деб эътироф этган Ўзбекистон Халқ демократик партияси, унинг ташкилотлари, қарийб 450 мингга яқин аъзолари томонидан манфаатдорона илиқлик билан кутиб олинди.

Партиямиз ташкилотлари, фаоллари, ХДПдан Олий Мажлисга сайланган депутатларимиз мазкур Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни муҳокама этишнинг ҳамма босқичларида алоҳида кўтаринкилик кайфияти билан иштирок этдилар.

Олий Мажлис VI сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган Қонун лойиҳасини муҳокама этиш бўйича, барча даражалардаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларига ХДПдан сайланган депутатлар иштирокида, партиямизнинг 15 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлари йиғилишлари, кенгашлари пленумлари, уларнинг ижроия бюролари мажлислари, фуқаролар йиғинлари ва бошқа тадбирлар ўтказилиб, уларда 360 мингдан ортиқ партия аъзолари, 200 мингга яқин партиясизлар қатнашдилар ҳамда 3,5 мингтача фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

Фракциямиз аъзолари, партия йиғилишларидан тушган таклифлар махсус комиссия томонидан ўрганилди ва улар умумлаштирилиб, Олий Мажлис Котибиятига мунтазам юборib турилди.

Албатта, билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг ҳаммасини қонунда акс эттириш мумкин ҳам, керак ҳам эмас. Уларнинг кўпчилиги, у ёки бу тарзда, Қонун лойиҳасида ўз ифодасини топган, айримлари эса бир-бирларини қайтарадилар ва, шу билан бирга, ушбу ҳужжат вазифаси доирасига кирмайдилар.

Бироқ, мазкур ўринда битта нарса аниқ: муҳокама, партиямиз ташкилотлари, аъзолари, мамлакатимиз фуқаролари учун, ўзига хос сиёсий тафаккур, маданият мактаби вазифасини ҳам ўтади. Фикримизча, шундай амалиётни бошқа қонунлар лойиҳалари бўйича ҳам, янада кенгроқ тарзда, жорий этиш фойдадан холи бўлмасди.

Қадрли депутатлар!

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов, кўппартиялилик тамойилини парламентимиз ишига ҳам жорий этиш лозимлиги тўғрисида гапириб, **«партиявий фракциялар ва гуруҳлар фаолиятини қонунлаштириш керак»** лигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Бизнинг ёш давлатимиз фаолиятида қонунчилик амалиётига алоҳида эътибор берилаётгани тасодифий ҳол эмас. Биздаги қатор қонунлар, ҳатто, айрим ривожланган давлатларда ҳам учрамаслиги мумкин. Чунки, улар, аксарият ҳолларда, демократик тартиботлар томон стихияли тарздаги «синов ва хатолар» йўлини тутганлар. Биз эса, ушбу йўлни онгли равишда, жаҳон илғор тажрибасига таяниб, амалга ошириш ниятидамиз. Бошқача қилиб айтганда, биз ўзгалар йўл қўйган қусурларни такрорламаслик, уларнинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариш, ўзимиз танлаган йўлнинг қонуний-ҳуқуқий созлагичларини аниқ-равшан ишлаб чиқишнинг ноёб имкониятига эгамиз. Ҳамма гап ушбу имкониятдан оқилона фойдалана билишда.

Муҳокама этилаётган Қонун лойиҳасида сиёсий партияларнинг Олий Мажлисдаги фракциялари ҳақида махсус модда (13-) бор. Бу, албатта, жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ўйлаймизки, юқорида келтирилган дастурий фикр ва сиёсий партияларнинг депутатлик фракциялари ҳамда гуруҳлари мақоми, уларнинг фаолияти хусусида махсус қонун қабул қилинишини кўзда тутиш муҳимдир.

Қонун лойиҳасини, партиямиз фракцияси номидан, маъқуллаб, унинг қабул қилиниши сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ривожига қўшадиган ҳиссаларининг янада салмоқлироқ бўлишига хизмат қилиши шак-шубҳасиз эканлигини эътироф этамиз. Зеро, ушбу Қонун сиёсий партиялар хусусида бўлсада, у, сиёсий партиялар учун, халққа хизмат қилиш воситасидир.

Ҳурматли депутатлар!

Лойиҳани иккинчи ўқишда тўлалигича қабул қилишга барчангизни даъват қиламиз ва, айни пайтда, унинг 16-моддасининг иккинчи сўзбошисини Лойиҳанинг рус тилидаги матнига мослаштиришни таклиф этамиз. Муҳими шундаки, бу ерда гап фақат таҳририй ўзгариш хусусида бораётгани йўқ. Ушбу аниқликнинг Лойиҳага киритилиши натижасида, сиёсий партияларни маблағ билан таъминлашдаги чекловни давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига тегишли эканлиги ҳамда, айни пайтда, унинг амалдаги қонунчиликка мос бўлишлиги таъминланади.

Фурсатдан фойдаланиб сессия иштирокчиларини кириб келаётган 1997 йил билан самимий табриклашга, уларнинг мустақил мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги шижоаткорона фаолиятларига янги йилда улкан зафарлар тилаб қолишга рухсат берасизлар.

Эътиборингиз учун ташаккур!

БЎЙИ БАРОБАР КИТОБ ЁЗГАН АДИБ



Эҳтиром

У ҳам шоир, ҳам адиб. Шеърлари, достонлари, шеърий романлари, ҳикоялари, қиссалари, романлари адабиётимиз хазинасига қўшилган бебаҳо жавоҳирлардир. Устоз Мирмуҳсиннинг асосий мавзуи, асосий қаҳрамонлари ҳозирги замон кишилари. Унинг сермазмун, сержило, тарихий воқеаларни қамраб олган романлари унга катта шуҳрат келтирди. Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти совриндори Уйғун домла Мирмуҳсин ижодини бундан ўн беш йил бурун юксак баҳолаб, ҳамма мухлислар фикрини шундай ифода этган эди:

«Ўзбек адабиётининг энг кўзга кўринган сўз усталаридан бири бўлмиш Мирмуҳсин ижодини илдизи заминни, шохлари осмонни қучиб турган чинорга қиёс этгулик. Бу чинор дунёнинг барча минтақасидан кўриниб турибди. Унинг умри боқий».

Бугун бўйи баробар китоб ёзган заҳматкаш адиб адабиётга дастлаб шеър билан кириб келган эди. Табиийки, илк шеър — муҳаббатдан туғилади. Жўшқин ҳаёт кулол ўғлининг қўлига қалам тутқазиб, ўз бахтини куйлашга, Ватанга дил изҳорини айтишга, даъват этганди:

Меҳрибон она каби бахт сари етакладинг,
Порлоқ келажагимни равшан кўриб олдиндан.
Бир кулол ўғил эдим... Юксал! — дединг қадрдон,
Юксалиш йўлларини кўрсатиб бердинг чиндан...

Мирмуҳсин ҳеч қачон китоб ўқиб, бармоқ санаб уйда мизғиб шеър ёзадиган шоирлар тоифасига кирган эмас. Унинг сатрлари халқ ичида туғилиб, халқнинг мулкига айланди. 1939 йилда ҳали талабалик чоғларидаёқ халқ қурилиши деб эълон қилинган Каттақўрғон сув омборида иштирок этди. «Каттақўрғон сув омбори» газетасининг фаол мухбири бўлиш билан биргаликда қурилиш майдонларидан бирига бошчилик қилди. Ўзи ишчилар ҳаётини чуқур ўрганиб, уларнинг орзу-умидлари билан ҳамнафас иштирок этди.

Адибнинг 1943 йили чоп этилган биринчи китоби — «Садоқат» унга катта шуҳрат келтирди. Ёзилажак асарлари учун замин бўлди. Ўзбек адабиётида ишчининг ёрқин сиймосини яратиш жараёнида унинг қалами янада сайқал топди. Ғ. Ғуломнинг «Кўкан», Уйғуннинг «Жонтемир», Асқад Мухторнинг «Пўлат қуювчи» поэмалари қатори Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» достони ҳам жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Унинг ўз тенгдошлари орасида поэмачиликни бошлаб бергани қайд этилди.

Шоирнинг ўзига хос «Яшил қишлоқ», «Широқ», «Набира» достонлари «Уста Ғиёс»нинг мантиқий давоми сифатида дунёга келди.

Ёзувчини она ердан ҳамиша куч олиб турувчи паҳлавонга қиёс қилишади. Агар унинг оёғи ердан узилса, дасти юлдузларга ета олмайди. Юлдузлар эса... олисда. Уларнинг нуридан фақат заминни сезган Антейлар баҳраманд бўлиши мумкин. Мирмуҳсин шундай ёзади: «Рудакий, Низомий, Алишер Навоий, Саъдий, Бобур, Достоевский, Шевченко, Гёте, Шиллер, Тагор, Иқбол асарларини мен бироз кеч ўргандим. Ўйлайманки, ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир ёзувчи бу даҳоларни умр бўйи ўрганмоғи лозим».

Табиийки, Мирмуҳсиннинг бой ҳаёти ва ижодий тажрибаси, билими катта майдон бўлишини тақозо этарди. Бу майдон наср майдони бўлиб чиқди. Унинг мушоҳадаси, кузатишлари ҳикоялар, қиссалар, романларга асос бўлди. Ёзувчи бугунги кунгача 200 дан ортиқ китобларини нашр эттирди. Унинг кўпгина асарлари ўнлаб халқлар тилларига таржима қилинган.

Мирмуҳсин ёзувчиликни касб эмас, тақдир деб биладиган ижодкорлардан. У халқ ташвиши билан яшовчи, покдомон ижодкоргина яхши асар ёза олишига қаттиқ ишонади. «Юраги кир қаламкашнинг ҳаммани ҳаяжонга солувчи китоб ёзиб беришига ишониб бўлмайди. Бундай қаламкаш азада кўзига тупук суриб йиғлаган хотинни эслатади» дейди у. Ҳақ гап. Ўзи ёнмаган ёзувчи бошқаларни қандай ёндира олсин!

Мирмуҳсин олам юрагига қулоқ тутиб, унинг дарди ва шодлиги билан яшайди. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби. «Муштум», «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналларида бош муҳаррир вазифаларида ишлаганида ҳам ўзбек адабиётининг жонкуярларидан бири бўлди. Адабиёт майдонига кириб келаётган ёшларни сезгирлик билан илғаб, уларга хайрихоҳлик қилди. Меҳрибон мураббий сифатида сермашаққат ёзувчилик ишига даъват этди.

Йўлдош СУЛАЙМОН.

Хатлардан сатрлар

"НЕКСИЯ" ЧАҚҚОНЛАР ҚЎЛИДА...

Ўзимизнинг Асакада чиқаётган "Нексия" автомобиллари ишқибозу харидорлар қалбини аллақачон забт этди. Мижозлар кун сайин кўпайяпти. Бундан ҳар ерда ҳозиру нозир олиб-сотарлар, чайқовчилар фойдаланиб қолишяпти. Ҳозир бу автомобилларни оддий кишиларнинг харид қилиши мушкул бўлиб қолди.

"Нексия"лар сотувда йўқ. Аммо Сирғали бозорига боринг — ҳамма ёқ ҳали мойи артилмаган, яп-янги машиналарга тўла. Нархи эса... дўкондагилардан анча қиммат! Ажабо, бу олиб-сотарлар гижинглаб турган "Нексия"ларни қаердан олиб келишяпти? Уларнинг завод билан тили бир эмасдир, ахир.

Шу муносабат билан оддий харидорлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида янги харид қилинган "Нексия"ларни олди-сотисини дастлабки икки йилга чеклаб қўйишни таклиф этаман. Бу тадбир олиб-сотарлар, турли чайқовчиларнинг танобини тортишга шубҳасиз кўмаклашади.

И. ҚУДРАТОВ.
Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани.

ШИЛИШ ИДОРАСИ

Хонадонимизнинг бир ёнига 4 хонали қўшимча уй қуриб ушбу ўзгаришларни акс эттириш мақсадида уй-жойларни рўйхатга олиш идораси (БТИ)га мурожаат қилдим (бу "машҳур" идора Тошкентнинг Самарқанд кўчаси, 7-уйда жойлашган).

Декабрнинг дастлабки кунларида бизнинг уйга иккита ёш йигит кириб келди ва рулетка ёрдамида 4 та хонанинг ҳар бирида учтадан (эни, бўйи ва баландлиги) ўлчов қилишди. Бу ишга бор-йўғи 8-10 дақиқа вақт сарфлашди. Чиқиб кета туриб иккита савол беришди: том нима билан ёпилган? Деворлар нимадан қурилган? Жума куни бориб уйингизнинг янги планини олишингиз мумкин, деб хайрлашдилар. Айтилган куни борсам, эски пландаги бинолар ёнига 4 хонанинг плани чизилган қоғозни кўрсатишди ва ... сиздан 780 сўм оламиз, дейишди. Мен ҳайрон бўлиб "Нима учун бунча катта пул олясизлар?" деб сўрадим. "Бизда прейскурант бор, мана қилинган ишлар рўйхати, ҳаммаси қонуний, ока?..." дейишди. Мен эса: "Ахир, инсоф билан пул олинглар-да, бу ерда шунча сўмлик меҳнат қилмагансизлар-ку, қолаверса прейскурантда бор деб исталган операцияни смета сарф-харажатларига тиркаб қўяверасизларми?" дея эътироз билдирдим. Аммо барча эътирозларим зое кетди. Охир-оқибат бошлиқдан: "Боринг, қаерга борсангиз бораверинг", деган кўрс жавобни эшитдим.

Мени бир нарса қийнайди: бу мўйловли бошлиқ кимнинг эркатойи, уни ким бу даражада фуқаролар арзи-додига лоқайд қилиб қўйган? Ахир унга ўхшаган зўрлар шу халқ ҳисобига яшашади-ку? Бу идора уларга хоҳлаган ишни рўйхатга тиркаб бойлик орттириш, халқни шилиш учун берилмаган-ку!

Ҳожикул ОМОНОВ.
Тошкент шаҳри.

ТОМОШАБИНМИСИЗ?

Вилоятимизга янги ҳоким келди, жонимиз кириб қолди. Бошқа жойларни билмадиму лекин Гулистон шаҳри анчагина ботиб кетган экан. Деярли бир ойдан бери шаҳримиздан ахлат чиқарилмади, лотоклар, ариқлар, зовурлар тозаланмади. Ҳалигача тозаланмоқда, шаҳар батамом тоза бўлди дейиш қийин.

Ростн, шу ўринда мен шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходимларига ҳайрон қоламан. Улар асосан "мойлп", сардоромад жойларни текширишни яхши кўришади. Ҳамма жойда ачиб-сасиб ётган ахлат уюмлари билан эса деярли пшлари йўқ.

Бенхтиёр ўйланиб қоласан кишп. Наҳотки улар томошабин бўлсалар ёки шу қадар ўз қадрларини йўқотиб қўйишганми?

Раиса АБИЯТОВА.
Журналист.
Сирдарё вилояти.

КЎКРАКДАГИ ҚЎМСАШ

Ҳайдовчиман. Касбим тақозосига кўра ДАН ходимлари билан тез-тез юзма-юз бўлиб тураман. Ҳар гал нафратим қўзийди. Гап унинг ёки менинг ҳақ ёхуд ноҳақлигимда эмас. ДАН ходимининг кўкрагидаги собиқ Иттифоқ тамғаси босилган ва "МВД СССР" деган ёзувли нишонни кўриб ғазабим қайнаб кетади. Гўё йўлимни мустабид тузум вакили тўсаётгандай туюлади.

Дарвоқе, мустақил бўлганимизга, СССР деган "қизил салтанат" тарих саҳифасидан йўқолганига 5 йилдан ошди. Лекин бу салтанат тамғаси нечун ДАН ходимлари кўксида ҳануз яшаб келмоқда. Биз мустабид тузум берган медаллару орденларни аллақачон улоқтирдик. Нега энди ДАН ходимлари оддий бир нишондан воз кечиша олмаяптилар. Бу нима, собиқ Иттифоқни қўмсашми ёки қасамёдга садоқатми!

Ш. САФАРОВ.
Сурхондарё вилояти.

ВАТАН ҒУРУР КАБИ, ҒУРУР ВАТАН КАБИ МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Яқинда танишлардан бири маслаҳат сўраб қолди: тўнғичимиз армия ёшига етиб қолди, нима қилишга ҳайронман?

— Нима қилардингиз, ҳарбийга борсин. Ҳаётни ўрганади, — дедим.

— Эй-й, қўйсангизчи, — қўл силтади у. — Биламиз армия қанақалигини...

Унга ҳайрон бўлиб қарадим. Туппа-тузук одам. Олий маълумотли зиёли. Давраларда оғиз кўпиртиришни яхши кўради. Лекин ўғли ҳарбийга боришини истамайди. Тўғрисини айтганда, мен унга ачиндим. Маънавий қашшоқлигини кўриб хафа бўлиб кетдим. Энди армия ўзимизники, Ўзбекистонники эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Назаримда кор қилмади...

Тошкент гарнизон суди раиси, майор Азамат ИБРАГИМОВ билан суҳбатни шу мавзудан бошладик.

— Биласизми, — деди Азамат ака, — бу йил ҳарбийдан қочиш, бўйин товлаш, ҳарбий интизомни бузиш ҳоллари ўтган йиллардагига нисбатан сезиларли даражада камайди. Бу яхши, албатта. Лекин армиямиз ҳаётидан бундай иллатларни бутунлай супуриб ташлашимиз керак ва шарт. Битта бўлса ҳам ҳарбий интизомсизлик юз берар экан, эътиборсизлик қилишга ҳаққимиз йўқ. Бундай ҳолда интизомни бузувчиларга нисбатан ҳамиша муросасиз курашамиз.

— Азамат ака, суднинг вазифаси фақат муросасиз бўлиш бўлмаса керак?

— Сиз мени тўғри тушунмадингиз. Бу фалончи жиноят қилди, уни ушлада, қама дегани эмас. Биз ҳам жиноятчини жазога тортишдан олдин чуқур ўрганамиз. Жиноят нега содир этилди? Унинг сабаби нимада? Ҳарбий қисмдаги умумий аҳвол қандай? Шу ва шунга ўхшаш юзлаб саволларни таҳлил этамиз. Ана шундан кейингина бир қарорга келиб, жазо чорасини қўллаймиз. Собиқ Иттифоқ даврида судлар шахслардан кўра кўпроқ давлат манфаатларини ҳимоя қиларди. Ҳозир эса , аксинча. Юртимиз мустақилликка эришгач, бизнинг тизимимизда ҳам қатор ислоҳотлар ўтказилди, судлар ҳақида янги қонунлар қабул қилинди. Натижада судларимиз фақат жазолаш учун эмас, чин маънодаги одил қарор чиқарувчи, меҳнаткаш манфаатини ҳимоя қилувчи тизимга айланди, дейиш мумкин.

— Энди ҳарбий интизомни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари ҳақида маълумот берсангиз?

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 287-модда биринчи қисмига кўра муддатли ҳарбий хизматчи томонидан ҳарбий қисмни 10 суткадан ортиқ бўлмаган вақтга ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, агар авваллари ҳам бу ҳарбий хизматчига нисбатан интизомий чора қўлланилган бўлса, олти ойдан бир йилгача интизомий қисмга юбориш жазоси кўзда тутилади. Шу модданинг иккинчи қисмида ҳарбий хизматчи томонидан ҳарбий қисмни бир ойгача бўлган муддатга ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш икки йил интизомий қисм ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Ана шу модданинг 3-қисмида эса ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан бир ойдан ортиқ ташлаб кетиш беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши кўзда тутилган. 288-моддада эса ҳарбий хизматдан бутунлай буйин товлаш ҳолларида

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

қўлланиладиган жазо чоралари белгилаб қўйилган.

— Айтинг-чи, сиз айрим йигитларимизнинг шу ҳолга тушишларига нималар сабаб бўлаяпти, деб ўйлайсиз?

— Бу масалага бир томонлама ёндашиб бўлмайди. Чунки ҳар бир жиноятнинг ўз келиб чиқиш сабаблари мавжуд. Агар уларга умумий нуқтаи-назардан келиб чиқиб баҳо берадиган бўлсак, кўпчилик ҳолларда жиноят содир этилишига сабаб битта бўлади. Бу ҳам бўлса чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматга ҳам жисмоний, ҳам маънавий тайёр эмасликларидир. Агар мактабларимизда «бошланғич ҳарбий таълим» дарсларига жиддийроқ эътибор берилса, имоним комилки, юқорида биз тилга олган жиноятлар кескин камайган бўларди. Ана шу ерда кўпчилик йигитларимизнинг ҳуқуқий саводсизликлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишни истар эдим. Дейлик, ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган аскар, тергов ёки суд жараёнида ўзига ким томонидандир жисмоний тазйиқ ўтказилганини айтади ва ҳарбий интизомни бузишга мажбур бўлганини рўкач қилади. Тўғри, унга кимдир тазйиқ ўтказган бўлиши мумкин. Лекин бу қочиб кетиш учун сабаб бўлолмайди. Бундай ҳолларда аскар ўз командирларига мурожаат қилиши, уларни огоҳлантириши керак. Қочиб кетиш билан ҳеч нарсани исботлаб ҳам, ҳеч нарсага эришиб ҳам бўлмайди. Биз қисмларда бўлганимизда бу масалада ҳамиша тушунтириш ишлари олиб борамиз.

Ҳа, йигитларимизни ҳарбийга чақирилгунга қадар ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам ҳуқуқий томондан етук қилиб тарбиялашимиз керак. Ахир биз улуғ қўмондон — Амир Темурнинг авлодларимиз. Ҳарбийлик бизга ота-боболаримизнинг қонидан ўтган. Шундай экан, биз ҳам ана шу шавкатли аждодларимизга муносиб жангчилар бўлишимиз керак, деган тушунчани уларнинг онгига мактаб партасидан, керак бўлса боғчадан бошлаб қуйишимиз керак. Ана шунда бундай салбий ҳолатлар ўз-ўзидан йўқолиб кетишига аминман.

— Сиз бу масалаларда ота-оналар билан ҳам кўп учрашасиз, уларнинг фарзандлари йўл қўйган хатоларга муносабатлари қандай?

— Энди бу масалага ҳам бир тарафлама қараб бўлмайди. Баъзи ота-оналар фарзандлари ҳарбийдан қочиб борадиган бўлса, ўзлари ҳарбий қисмга олиб келишади. Сабабларини аниқлашади. Агар фарзандларига нотўғри муносабатда бўлишган бўлса, талаб қилишади. Хато фарзандларидан ўтган бўлса унга панднасиҳат беришади. Командирларидан кечирим сўрашади. Хуллас, ҳамма масалани ўз жойида ҳал қилиб кетишади.

Яна баъзи ота-оналар борки, улар ҳаттоки, таътилга борган фарзандларини ҳам қайта ўз қисмига жўнатмайдилар. Бунинг учун минг бир баҳона тўқишади. «Уғлим қийналибди», «Озиб кетибди». Лекин кўп ҳолларда бу баҳоналар асоссиз бўлиб чиқади. Улар фарзандларини ҳарбийга бермасликка қанчалик ҳаракат қилмасинлар ҳеч нарсага эришолмайдилар. Эришганлари ҳам, аксар ҳолларда фарзандларининг зарарига бўлади. Дейлик ота-она «борма, ўзимиз жавоб берамиз», — дейдию, ўғил жазога тортилади. Ана, энди айтингчи, ким жабр кўраяпти? Албатта фарзанд. Бу масалага ҳам жиддийроқ қараш, керак бўлса маҳаллаларда ота-оналар ўртасида тушунтириш, ташвиқот ишлари олиб боришимиз лозим...

Азамат ака билан суҳбатлашарканман бир нарсага ишончим комил бўлди. Армиямизда, онда-сонда бўлсада, учраб турадиган бундай салбий ҳолатларнинг илдизи собиқ империячилик тузумига бориб тақалар экан. Ҳамма соҳада бўлгани каби Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга ҳам юзаки қарай бошлаган эканмиз. Улар биздаги ВАТАН деган муқаддас тушунчани йўқотишга ҳаракат қилишганди. Чунки ватансиз одамдагина ғурур бўлмайди. Улар биздаги ҒУРУР деган тушунчани ўлдиришга ҳаракат қилган эдилар. Чунки ғурурсиз одамда Ватан бўлмайди. Ватани ва ғурури бўлмаган одам эса ўзўзидан манқуртга айланади. Оллоҳга шукурлар бўлсинки, қизил империянинг бу режалари парчаланиб кетди. Энди қолгани ўзимизга боғлиқ. Сизга боғлиқ муқаддас Ватаннинг Ғурурли ҳимоячилари. Суҳбатдошим айтмоқчи: биз улуғ қўмондон — Амир Темурнинг авлодларимиз. Буни ҳеч биримиз, бирор дақиқа бўлсин унутишга ҳаққимиз йўқ!

Суҳбатдош:
Ислом ҲАМРО,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Республикамиз ҳудудидаги барча вилоятлар, туманлар, вазирликлар, корпорация ва концернлар, корхоналар, фирмалар, жамоа хўжаликлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

Тугалланаётган 1996 йилни мамлакатимиз меҳнаткашлари халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида фидокорона меҳнат зафарлари билан якунламоқдалар.


Ана шундай фидокорона, ҳалол меҳнатни шарафлаш жараёнида Халқаро Шароф Рашидов фонди меҳнат аҳли ҳам фаол иштирок этишга жазм қилиб, шу якунланаётган йилда эришилган меҳнат ғалабаларини тақдирлаш учун мустақил Ўзбекистоннинг Ғерби туширилган ва Давлат байроғи ҳилпираб турган, безакли, рангли


ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

лар чоп этилиб, тўғридан тўғри ёки савдо ташкилотлари орқали аҳоли эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлди.

Ушбу нашр маҳсулоти нархи нисбатан жуда арзон: одатдаги қўшимча ёки ҳар хил устама баҳоларсиз, имкониятларингизга қараб энг қулай ҳамма тўлов шаклларида ҳисоб-китоб амалга оширилади. Фондниng ҳисоб рақами 000700044 ИХТ «Пахтабанк»да МФО 172601403

Тўлиқ ахборот учун телефонлар (3712) 34-67-77, 34-77-68.





Ўзбекистон ҳукумати ва
ўзбек халқини
Янги йил билан қутлаб,
самимий тилакларимизни
билдирамиз.
1997 йил барчамиз учун
омадли ва хосиятли йил бўлсин.
Янги йилда мамлакатларимиз
ўртасидаги дўстлик ва
ҳамкорлик янада
мустаҳкамланишига ишонамиз.

Янги йилингиз

билан,

дўстлар!

Ўзбекистон - Туркия қўшма банки.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси 1996 йил 25 декабрдан 31 декабргача ип-газлама, шойи газламалар, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари, пойабзалларнинг туширилган нархлардаги

ЯНГИ ЙИЛОЛДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Маҳсулотлар қуйидаги манзилларда сотилади:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Тошкент «Қизил тонг» ҲЖ — МУМ ва Космонавтлар шоҳ кўчасидаги «Қизил тонг» фирма дўконида («Ойбек» метробекати); «Юлдуз» ҲЖ — Амир Темур кўчаси, 60; «Тошкент тўқимачилик комбинати» ҲЖ — «Тўқимачи» фирма дўкони (Қушбеги кўчаси, 6); «Оқолтин» ҲЖ — Навоий кўчасидаги савдо расталари. 1-Тошкент пойабзал ҳиссадорлик жамияти — «Наргиза» дўкони (Бобур кўчаси, 6).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА — Чирчиқ «Ғунча» ҲЖ — Охунбобоев кўчаси, 29 даги фирма дўкони; «Бахт» ҲЖ — Пойабзалчилар кўчаси, 1 даги фирма дўкони.

БУХОРО ШАҲРИДА — «Бухоротекс» ҲЖ — Жубор кўчаси, 162 даги фирма дўкони; «Нақшбандий» ҲЖ — Намозгоҳ кўчаси, 112 ва Навоий шаҳар бозоридаги «Бухоро» фирма дўконлари.

АНДИЖОН ШАҲРИДА — Андижон «Чинор» ҲЖ — Фитрат кўчаси, 255 даги фирма дўкони; Бобур номидаги Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси — Бобур шоҳкўчаси, 73 даги фирма дўкони.

ҚАРШИ ШАҲРИДА — Қарши «Санам» ҲЖ — «Либос» фирма дўкони.

НАМАНГАН ШАҲРИДА — «Наманган шойи ишлаб чиқариш» ҲЖ — Охунбобоев кўчаси, 96 «а» даги фирма дўкони, Наманган «Атлас» ҲЖ — Бобуршоҳ кўчаси, 58 ва «Чорсу» бозоридаги фирма дўконлари.

ҚЎҚОН ШАҲРИДА — Қўқон «Мадина» ҲЖ — Қипчоқариқ кўчаси, 98 ва Шоҳруҳобод кўчаси, 15 даги фирма дўконлари.

САМАРҚАНД ШАҲРИДА — Самарқанд «8 Март» ҲЖ — Навоий кўчаси, 25 даги фирма дўкони.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДА — Янгийўл «Кичкинтой» ҲЖ — Низомий кўчаси, 15 даги фирма дўкони.

МАРҒИЛОН ШАҲРИДА — Марғилон «Хонатлас» ҲЖ — Мустақиллик кўчаси, 119 ва Марғилоний кўчаси, 1 даги «Азимжон» фирма дўконлари.

Аломат гаплар

ЎҒРИНИ ДЕВОРГА «ЁПИШТИРГАН» ҚОРОВУЛ

ФРАНЦИЯ. Авиньон шаҳрида галати воқеа рўй берди. Пьер Дюфроене Поля Лонгеда қоровул бўлиб ишлайди.

Қоровул тунда одатдагидек айланиб юриб, бинога ўғри тушганини пайқаб қолди. Илкисдан бориб ўғрини таппа босди. Жиноятчи қўлга тушди. У шаҳардаги «Супер ўғри» деб ном чиқарган кимса экан.

Қоровул полицияга хабар қилиш учун телефонга ёпишди. Афсус, телефон симлари узиб қўйилганди. Дюфроене ўйлаб топди. Ўғрининг қўлларини махсус тез таъсир қилувчи супер-клей билан сурғичлаб қўйди. Сўнг у муюлишдаги телефон автоматдан полицияга қўнғироқ қилди. «Супер ўғридан» супер-клей зўр чиқди.

Қарангки, клей панд бермади. Полиция келганда ўғри деворга «ёпишган» куйи турарди.

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Америкадаги «Детройт Ньюс» газетаси саҳифасида Билл Клинтоннинг шахсий ҳаётига оид мақолани чоп этди. Рождество байрами арафасида Президент ўз рафиқасига ажойиб совға тақдим этди. Билл Хилари хонимнинг ёшлигида спортга ишқибозлигини яхши билгани учун унга Майкл Скатенинг «Мадвили Дайрес» бейсбол мемуари китобини ҳадя қилди. Президент байрам оқшомини оиласи даврасида нишонлайди. Америка халқини эса Президент видеотасмага ёзиб олинган табрик нутқи орқали қутлайди, бу видеотасмалар мамлакатнинг барча супермаркетларига тарқатилди, деб ёзади. «Детройт Ньюс» газетаси.

ЕЛЬЦИННИНГ КРЕМЛГА ҚАЙТИШИ

«Экспресс» газетаси Борис Ельциннинг саломатлигини тиклаб, Кремлга қайтишга бағишланган мақолани босиб чиқарди. Муаллифнинг таъкидлашича, «Россия Президентининг ҳокимиятни ушлаб туришда охирги имкони бу», деб ёзади сиёсий шарҳловчи. Президент энди мамлакатдаги иқтисодий бошбодоқликни, чуқур илдиз отган уюшган жиноятчи — мафия тўдаларини ва қатор муаммоларни бартараф этишга сабот-матонат билан киришишини айтган. Айниқса, Россиядаги иқтисодий ва сиёсий инқирозни ўнглашдек мушкул муаммони ҳал этиш учун Президент давлатни идора қилиш салоҳиятини янада чархлаши зарур бўлмоқда. Россиядаги ўта паст турмуш даражасидан ҳатто хорижий давлатлар сиёсатдонлари ҳам ташвишланмоқда.

ҚОРБОБО ҚАЕРДА ТУҒИЛГАН?

Янги йил яқинлашмоқда. Сўзсиз катта-ю кичик қорбобосиз бу қутлуғ байрамни тасаввур этиши қийин. Қорбобо қачон пайдо бўлган? Бу ҳақда Финляндиядаги газеталар қатор мақолалар босмоқда. Лекин «Зюддойче Цайтунг» газетаси шу ўринда фин реклама агентлигининг «Қорбобонинг юрти финларнинг Ровани шаҳридир!» дея эълон қилганини қониқиш билан қабул қилмади.

Газета Қорбобони бирон-бир шаҳарга тегишли дейиш айнан шарт эмас, деб алоҳида таъкидламоқда. Чунки, қорбобо неча минг йиллардан буён ер юзи халқларининг умуммулки, янги йил тимсолидир.

МАЙМУНЛАР ФАЗОГА УЧДИ

Буюк Британиянинг «Таймс» газетаси Россиянинг Плесетскдаги космодромидан иккита маймун махсус ракетада космосга учирилганини маълум қилди. Маймунлар — Мультик ва Лапик роппа-роса 14 кун мобайнида фазода сайр қилишади. Олимларнинг фараз қилишларича, фазовий учиш муваффақиятли ўтади, маймунлар соғ-омон Ерга қайтишади. Лапик ва Мультик махсус тайёргарликдан яхши ўтишганди. Учишга тайёргарлик жараёнида «қаҳрамон учувчилар» овқатланишини, махсус пакетлардан сув ичишни, ҳатто компьютерда ишлашни, уйинлар уйнашни ҳам ўрганиб олишган, деб ёзади «Таймс».

INTERNET UZ INFOCENTRE -ON-LINE PAK

B.K. INTRANS

Ҳурматли мамлакатимизнинг ишбилармонлари, хорижий сармоядорлар ва тадбиркор жаноблар!

Жамоангиз манфаати йўлида ва мамлакат тараққиётининг юксалишида фидойиликни истасангиз, маҳсулотларингизни дунёнинг исталган мамлакатига етказиб беришни ёки корхонангиз учун зарур бўлган саноат жиҳозларини олиб келишни хоҳласангиз биз билан ҳамкорлик қилинг. Муродингиз Сиз орзу қилгандек ижобат бўлғусидир.


"Б.Қ.Интранс" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва жамият қошидаги "Б.Қ.Афғонсавдотранс" қўшма корхонаси

бу борадаги ишингизнинг намунали ва тез кўчишида Сизга ёрдам беради.

Муҳими, ҳамкорлик қилганингиздан сира ютқазмайсиз. Маҳсулот ва керакли жиҳозларингиз ўз сифатини йўқотмайди. Чунки, биздаги барча юк тарнспортлари халқаро талабларга хос ва мос. Юкингиз 20-30 тонна юкни ташишга мўлжалланган "Мерседес-бенц" ва "СуперМАЗ"ларда олиб борилади.

Шунингдек, жамиятимизда сайёҳлар ва тадбиркорларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қила оладиган "Мерседес-бенц" автобуслари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, талаб даражасида жиҳозланган омборхоналарда юкингизни сақлаш, декларант ва сайёҳлик хизматидан фойдаланиш имкониятига ҳам эгасиз.

Мурожаат учун манзил: Бектемир тумани, Жўрабек Остонов кўчаси, 25 уй. "Б.Қ.Интранс" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти.
Тел: 90-70-24, 90-36-03, 31-30-71, 30-54-11. Факс: 90-37-37.



Бугунги Лиссабон. ЎзА олган сурат.

ДУНЁНИНГ БИР КУНИ

ЕРЕВАН. *Эрон Ислом Республикасининг биринчи вице-президенти Ҳасан Ҳабибий тўрт кунлик расмий ташриф билан Арманистонга келди. У Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян билан бўлган учрашувда Эрон ҳукумати барча Кавказ республикалари билан дўстона муносабат ўрнатиш тарафдори эканини таъкидлади.*

Учрашувда Қорабоғ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

КАРАКАС. *Перу пойтахти Лимадаги Япония элчиси қароргоҳида хорижий дипломатларни гаровда ушлаб турган Тупака Амару ташкилоти вакиллари Япония элчихонасининг биринчи котиби Кендзи Хиратани озод қилди.*

Террорчилар қўлида яна 104 киши қолган бўлиб улар орасида Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари дипломатлари, шунингдек, Перу ҳукуматининг икки нафар вазири ва юқори лавозимли шахслар бор.

* * *

СИНГАПУР. *РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Малайзияда Ҳиндистон, Комбоджа ва Бангладешдан ноқонуний йўл билан келиб қолган ишсизларнинг сони бир миллиондан ортиб кетди.*

20 миллион нуфусга эга Малайзияда чет эллик ишсизлар кўпгина муаммоларни келтириб чиқараётир. Айниқса, улар мамлакатда жиноят, турли касалликлар тарқалишига сабаб бўлмоқда.

* * *

ВАШИНГТОН. *Туркия ҳукумати Ироқнинг Шимолий қисмини назорат қилиб турувчи Америка ва Британия ҳарбий ҳаво кучлари базасини 1997 йили ҳам ўз ҳудудида қолдиришга қарор қилди. Шу муносабат билан АҚШ давлат департаменти Туркияга миннатдорлик билдирди. Маълумки, мазкур ҳаво кучлари Форс кўрфази урушидан сўнг Ироқнинг шимолида яшаётган курд халқига озиқ-овқат ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келган. Шунингдек, ҳаво кучлари Ироқнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюциясига риоя этишини назорат қилади.*

Шунақасиям бўлади

«АЙИҚ» ОДАМ

ВАШИНГТОН ШТАТИ. Споукан шаҳрида яшовчи 54 яшарлик Дуайт Флоутер дунёдаги энг уйқучи одам бўлса, ажабмас. Чунки Дуайт ғайритабиий ухлайди.

Кеч куз бошланиши билан Дуайт айиққа ўхшаб уйқуга кетади. Шу тахлитда тўрт ой ухлаб, апрель ойидагина уйғонади. Буюк уйқучи суткасига 16 соатлаб пинакка кетади.

— Хазонрезги фаслни жинимдан ёмон кўраман. Дилим хуфтон бўлади, рутубатли ҳаводан. Гўё мен учун зимистон тун бошланади. Кўрмайинкуймайин, дейман-у, декабрдаёқ уйқуга кетаман. Баҳор келиб атроф ямяшил бўлганда гўё қалбимгаям илиқлик кириб келгандек бўлади...

Флоутер 36 йилдирки шундай қилади. Куз кунларининг бирида об-ҳаво шундай бузилдики, бечора Флоутер бир ҳафта кўчага чиқолмади. Энг ёмони шуки, бир ҳафтада 25 килограммга семириб кетди. Шунда у кам овқат еб, кўп ухлашга ўтди. Қараса, бинойидек фойда кўряпти. Яъни ҳамёнига фойда бўляпти. Бора-бора суткасига бир қултум сув кифоя қиладиган бўлиб қолди.

Собиқ бўйдоқ фақат январда Рождество байрамига бирор соатгина «уйғонади». Ўшанда уникига қариндош-уруғлар, дўстлари тўпланади. Улар кетган ҳамон «айиқ» одам яна пинакка кетади. Апрель ойида улар бу уйга яна келишади. Шунда меҳмонлар Флоутернинг «уйғонишини» нишонлашади.

Врачларнинг таъкидлашича, бундай «айиқ уйқу» Дуайт Флоутернинг организми учун фойдали — фильтрмиш.

Айниқса, тўрт ойлик уйқудан уйғонгач унинг организми соғлом, бақувват ва кучли бўларкан. Аслида, вақти-вақти билан шундай организмни «чиқитлардан» тозалаб туриш ҳаммагаям фойдали. Ухлаш ҳисобига эмас, албатта. Зотан, қадимдан табиблар ортиқча вазн, қанд, бўғма, ҳафақон ва бошқа хасталикларни шундай усулда даволаши бежиз эмасда.

РУҲИМИЗ ТАНАМИЗ ТАРК ЭТИБ «КЕТАР»

Рўёми — риёми?

Оддий юрак операцияси давом этарди. Лекин ҳеч ким «муваффақиятсиз операция»нинг тиббиёт оламида янги даврни бошлаб беришини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Руҳ танани тарк этади. Бу фаразни кимдир маъқуллайди. Яна биров «ҳеч қандай руҳ йўқ», одам ўлгач, ҳаёти тамом бўлади деган қарашдадир. Операциядан сўнг эса кутилмаган воқеа — руҳ танадан «чиқиб» кетиши ойдинлашди.

Карин Фишер юрак хасталигига чалинганига анча бўлганди. 32 яшарлик Фишерни немисларнинг энг машҳур юрак жарроҳлигига мослаштирилган шифохонасига ётқизишади. Афсус, операциянинг 45-чи дақиқасида аёлнинг юраги уришдан тўхтади...

Операция жараёни эса телекамера орқали кузатиб тасвирга туширилиб олинди.

Тиббий фотоплёнкаларни ишлаб чиқариш бўйича клиника директори, махсус мутахассис Питер Валентин ғалати «шарпа»га кўзи тушди. Плёнкада қандайдир оқ-қора доғ бўлиб, унинг шакли одам танасига ўхшаб кетарди. Гўё операция столида жон берган Фишер кўкка «учиб» кетарди... Ҳа, бу танани тарк этган руҳ эди.

— Мана, у! Бутун дунё олимлари кутган, излаган — исбот. Борлигига эътиқод этсак-да, «кўрмаган», руҳ бор деган фаразнинг тасдиғи, — фотосуратни батафсил ўрганган доктор Мартин Мюллер репортёрларга ҳаяжон билан айтарди. — Вафот этар чоғиёқ одам танасини руҳ «ташлаб» кетади. Лекин руҳ мангу яшайди. Бу сурат наинки руҳ борлигини тасдиқлайди. У худога шак келтирувчиларгаям дастакдир.



Барибир руҳ борми деган мунозаралар давом этаверди. Балки баттар баҳсларга сабаб бўлди. Бир қарашда уларниям тушуниш мумкин. Ахир операцияда қатнашган 12 нафар жарроҳ ва ҳамширалар ҳам «руҳнинг учиб» кетишини кўрмаган-ку! Аслида руҳни кўз билан кўриб бўладими? Руҳни ҳис этиш мумкин. Баъзида қўмсаган одамингизнинг овозини эшитгандек бўласиз. Кўзингизга кўрингандек бўлади.

Тўғри, Питер Валентин ҳам аввалига иккиланганди, «шарпа»нинг оқ-қора тасвиридан. Ҳатто лабораторияда кимдир ҳазиллашиб плёнкага — тасвирни — монтаж қилиб қўйгандир, деб ўйловди. Сўнг махсус эксперт комиссия плёнкани текширди.

Текшириш якуни: инсон «руҳи» деб тасдиқлади.

Суратни Европадаги бошқа мутахассислар ҳам бир неча марталаб қайта-қайта ўрганди. Ҳатто Ватиканга-Иоанн Павел II га ҳам нусхаси жўнатилди.

Одам ўлгач руҳи ташлаб кетадими? Фанда ҳали бу фараз тасдиғини топмаган бўлса-да, қалбан сезамиз. Руҳимиз билан тирикмиз. Аслида эса руҳан пок, эътиқодли инсонгина исботларга ҳожат сезмайди ўзида.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан Сурхондарё вилояти агросаноат уюшмаси хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо фирмасига берилган 1995 йил 27 мартдаги ВФ-В767 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНДИ.

МАМЛАКАТНИНГ ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧЛАРИ

ЙИЛИГА 30 МИЛЛИАРД КУБОМЕТР ТАБИИЙ ГАЗ

Суҳбатдошимиз Муборак газни қайта ишлаш заводининг директори, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзоси Нуриддин Зайниев. 1952 йилда туғилган. Оилали. Тўрт нафар фарзандининг отаси. У 1992 йилдан буён Муборак газни қайта ишлаш заводига директор. Бунгача бир қанча масъул раҳбарлик вазифаларида ишлаган. Иқтисод фанлари номзоди. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг депутати.

Яхши кўрган спорт тури — футбол. «Машъал» командасининг ашаддий мухлиси ва жонкуяри. У бу команданинг кучлилар қаторидан ўрин олишига ишонади.

— Нуриддин ака, заводнинг истиқболлари ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Муборак газни қайта ишлаш заводи — республикамиз фахри, иқтисодиётимиз асосидир, деган эди республикамиз Президенти Ислом Каримов 1993 йилнинг 20 мартида корхонамизда бўлганида. Бу юксак баҳс жамоамизда ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ. Айниқса, корхона қувватини йилига 30 миллиард кубометр табиий газни қайта ишлаш даражасига етказиш борасида олиб борилаётган ишларимизни пухта таҳлил қилиб чиқдик. Имконият ва ресурсларимизни тарозуга солиб кўрдик. Хуллас, давлатимиз раҳбарининг корхонамиз фаолияти билан танишуви завод тараққиётидаги алоҳида босқич бошланишига туртки бўлди. Тўрт йил ичида тўртта технологик блок қуриб ишга туширилди. Корхона умумий қуввати 8 миллиард кубометрга оширилди.

Лойиҳа нормативларида битта блокни қуриб ишга тушириш учун 42 ой вақт ажратилади. Қурувчиларимиз бу муддатни анча қисқартиришга, яъни блокларни 10—11 ой ичида қуриб, ишга туширишга муваффақ бўлишди. Бунда қурилиш сифатига путур етишига йўл қўйилмаяпти. Сарф қилинган харажатларни қоплаш муддати қисқаряпти. Масалан, 14-блокка сарф қилинган маблағ 11 ойда, 13-блокники эса 8 ойда тўла қопланди. Бундай натижаларга Ҳамдўстлик давлатлари газ саноатида биронта ҳам ўхшаш блок қурилмаётган бир шароитда эришилмоқда.

Собиқ Иттифоқ даврида корхона қувватини 8 миллиард кубометрга ўстиришни тасаввур қилиш қийин бўларди. 20 миллиардлик маррани эгаллаш учун 20 йил кетганлиги бундан далолат беради. Истиқлол шарофати билан ҳамма жабҳаларда бўлгани каби газ саноати корхоналари олдида янги истиқбол уфқлари очилди.

Тозаланган газ ишлаб чиқариш буйича давлат дастури бажарилди. Корхона ишлаб чиқариш қуввати 30 миллиард кубометрга етказилди, ёки жаҳонда иккинчи ўринга чиқиб олди. Эндиги вазифа эришилган қувватларни бир маромда сақлаган ҳолда олтингугурт ишлаб чиқаришни зарур катализаторлар билан таъминлаш, оқава сувларни тозалаш мажмуини яратиш, «Клаус» типида хориждан келтирилган блокларга «Сульфрен» қурилмаларини ўрнатиш, СКОТ методи асосида ишловчи олтингугурт ишлаб чиқаришнинг биринчи навбати қурилишига доир экологик дастурларни рўёбга чиқаришдан иборат.

— Хорижий ҳамкорлар борми?

— Албатта. Маҳсулотларимизни экспорт қиладиган хорижий буюртмачилар оз эмас. Газ конденсати оладиган хорижий буюртмачилар орасида Буюк Британия, Малайзия ва бошқа мамлакатларнинг фирмалари, шунингдек, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Россия Федерацияси ва Украинадаги ўнлаб корхоналар бор. Туркманистоннинг Чоржўй, Россия Федерациясининг Красноярск, Одесса, Воскресеньск, Литванинг Каунас, Қозоғистоннинг бир қатор саноат корхоналари заводимиздан олтингугурт харид қиладилар. Тозаланган газимиз Муборак иссиқлик энергия марказига, «Трансгаз» бошқармаси орқали республика шаҳарларига, саноат корхоналарига, МДҲ тизимидаги бир қанча давлатларга етказиб берилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, эндиликда мамлакатимизнинг минерал ўғит ишлаб чиқариш корхоналари ўз қувватларини ошира бошлагани муносабати билан олтингугуртни хом ашё ҳолида сотгандан кўра ундан минерал ўғит ишлаб чиқариб, тайёр маҳсулотларнинг ўзини четга сотиш имкониятлари пайдо бўлди. Бу олтингугуртни четга чиқаришни камайтириш ва республика иқтисодиётини кўтаришда ҳам муҳим омил бўлади.

Шу вақтгача заводимизда олтингугуртнинг фақат икки тури — суюқ ва қаттиқ ҳолдаги турлари ишлаб чиқарилган. Жаҳон тажрибасида эса олтингугуртни грануллланган ва қадоқланган ҳолда чиқариш кўп вақтдан бери мавжуд. Бу борада Олмониянинг «Сандвин», Канаданинг «Прокор» фирмалари билан ҳамкорлик қиляпмиз. Йилига 200 минг тонна донадор олтингугурт ишлаб чиқариш юзасидан лойиҳа-ҳужжатлари тайёрланди. Яқин келажакда Муборак газни қайта ишлаш заводининг бу турдаги маҳсулоти ҳам жаҳон юзини кўради.

Айни кунларда хорижий фирмалар билан чиқинди маҳсулотларини қайта ишлаб, ундан халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар олиш устида иш олиб борилаяпти. Бу яна шуниси билан ҳам аҳамиятлики, ҳавога чиқариб юборилаётган чиқинди газларнинг юқори даражада зарарсиз бўлишига эришилади.

Президентимизнинг валюта жамғармаларини тежайдиган технологияни тезроқ жорий этиш ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилган ҳолда иш юритаётган мутахассисларимиз Япония, Франция, Россия ва Украина сингари давлатлардан валютага сотиб олинаётган технологик қурилмалар учун турли ҳилдаги қўшимча асбоб-ускуналарнинг бир қисмини таъмирлаш ва механика цехида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Умуман бу цех муҳандислари янги технологияни ўзлаштириш билан бирга ўз муддатини ўтаб бўлган деталларга газоплазма ёрдамида ишлов беришни ҳам ташкил этдилар. Тежалган рангли ва қора металлдан олинадиган фойданинг ўзи бир неча миллион сўмдан ошяпти.

Заводнинг 25 йиллиги олдидан 15—технологик блокнинг ишга туширилиши туфайли йиллик қувват 30 миллиард кубометрга етди. Бу борадаги ваъда муддатидан олдин бажарилди. Муборак газни қайта ишлаш заводи бир кеча кундузда 80 миллион кубометргача табиий газни қайта ишлаш, 1000 тонна олтингугурт ишлаб чиқариш, 2000 тоннага яқин газ конденсати олиш, истеъмолчиларга 33 тонна суюлтирилган газ жўнатиш қувватига эга бўлди.

Қайд қилинган ютуқлар ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Бу кадрларимизнинг улкан меҳнати, жонбозлиги, ватанпарварлиги самарасидир.

— Миллий кадрлар масаласига қандай эътибор берилмоқда?

— Ҳозирги кунда ҳар қандай мураккаб муҳандислик ечимларини ҳал қила оладиган, билимдон, ишчан, ташаббускор кадрларга эгамиз. Завод қурилишидан бошлаб то ҳозирги кунгача шу ерда ишлаган Барака Рустамов — бош муҳандис лавозимида ҳам катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Шунингдек, Абдухалил Каримов, Миролим Жумаев, Уктам Умаров, Бахтиёр Орзиев, Авазхон Йўллиев, Аҳмад Бегимқулов, Нормурод Мамадаминов, Урмонжон Жўраев каби фаолларимиз вазифаларини аъло даражада уддалашмоқда. Қ. Рузиев, О. Жумаев, Б. Жумаев, Ш. Шодиев, Қ. Муминов сингари чорак асрдан бери шу ерда ишлаётган ишчи-хизматчилар ёшларга мураббийлик қилишмоқда. Хуллас, биз кадрлар резервини вужудга келтиришга муваффақ бўлдик.

— Газчилар шаҳри ва Муборак тумани аҳли фаровонлиги, ҳақида нималар қилинмоқда?

— 1992 йил бошларида Муборак тумани қишлоқларидан 8—10 фоизи газлашган бўлса, ҳозирга келиб бу рақам 80 фоиздан ошди. Энг гавжум Қарлиқ, «Хитой», Қуҳнашаҳар, Сариқ ва Қорабоғ қишлоқларига табиий газ олиб келинди. Қўшни Касби туманининг Майманоқ, Қатағон, Оққангал қишлоқларида ҳозиргача умумий узунлиги 30 километрдан зиёдроқ газ қувурлари монтаж қилинди. Қишлоқларни ободонлаштириш, ижтимоий хизмат объектлари, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари учун бинолар ва турар жойлар қуриш соҳасида ҳам режа асосида иш олиб борилмоқда.

Муборак шаҳрида соғломлаштириш мажмуи қуриб ишга туширилди. Завод санаторий-профилакторияси қошида очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари қурилди. Айниқса, футбол ўйинғоҳи туман халқи учун ажойиб совға бўлди. Футбол муҳлислари бу ерда олий лигада ўйнаётган завод оталиғидаги «Машъал» командаси ўйинларини завқ билан томоша қилиш, ҳар хил тантаналарда иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

Ишлаб чиқаришдан олинган фойданинг катта қисмини ишчи-хизматчиларимизнинг турмуш даражасини яхшилашга сарфлаяпмиз. Шу йил 7 нафар киши МДҲ тизимидаги санаторияларда, 100дан ортиқ киши Қашқадарёнинг сўлим оромгоҳларида, даволаш муассасаларида ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тиклади. Бу соҳада яна шуни айтишим керакки, завод маъмурияти билан меҳнат жамоаси ўртасида тузилган шартномада ҳар бир ишловчи учун 30 га яқин ижтимоий имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

— Ўзбекистон ХДП МК аъзоси сифатида сиёсий партиямиз ҳақида ҳам икки оғиз...

— Заводимиз бошланғич ташкилоти ўз сафига 91 нафар аъзони бирлаштирган. Улар орасида етакчи мутахассислар билан бирга оддий ишчилар ҳам бор. Партиядошларимиз ўз ҳалол меҳнатлари билан жамоа ҳурматига сазовор бўлган кишилардир.


Партиямиз сафларининг ўсиб бораётганлиги, унинг Дастури, Президентимиз, мамлакатимиз ҳукумати юритаётган ички ва ташқи сиёсат билан ҳамоҳанг эканлигидан, деб биламан. Меҳнат жамоамиздаги барқарор тотувлик, муштарак мақсад сари интилиш бунга мисол бўла олади.

Муборак газни қайта ишлаш заводи раҳбарияти, кўп миллатли меҳнат жамоаси олдида 2010 йилгача белгиланган завод ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажариш, мамлакатга сифатли ва арзон маҳсулот етказиб беришни таъминлашдек улкан мақсад қўйилган. Бу мақсадларга эришиш йўлида барча имкониятларни ишга соламиз.

Саҳифа материалларини Эркин ЭСИРГАДИЕВ ва Юсуф СИДДИҚОВлар тайёрлашди.

«Жорий йилда республиканинг энергетика мустақиллигини мустаҳкамлаш сиёсати давом эттирилди. Нефть ва газ саноати барқарор ривожланмоқда. Нефть ва газ конденсати ишлаб чиқаришнинг ўтган йилги даражаси юқори бўлганига қарамай, бу йил уларни ишлаб чиқариш ҳажми 230 минг тонна, табиий газ — 130 млн, куб метр, кўмир — 4 4 минг тоннага ошди».

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан).





Кўриб турганингиздек, Муборак газни қайта ишлаш заводида ҳамма ўз ишини севади. Бу ёшлар экология бўлимида табиат мусаффолиги учун изланишдан чарчамайди.

МУБОРАКДА ЁНГАН МАШЪАЛА

Бу йил озод диёримиз учун ютуқлар, тўй-томошалар йили бўлди. Буюк бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллиги, мустақилликнинг 5 йиллиги тантаналари республикада илк газ конлари очилишининг 40 йиллигига уланиб кетди. Ана шундай фарахбахш кунларда давлатимизнинг иқтисодий таянч нуқталаридан бири-Муборак газни қайта ишлаш заводи меҳнат жамоаси ҳам корхонанинг 25 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда.

Заводнинг халқ хўжалигига қўшган улуши фақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари билан ўлчанмайди. Ўтган 25 йил мобайнида бу ерда минглаб мутахассислар етишиб чиқди. Улар эндиликда нафақат республикамизда, балки Ҳамдўстлик давлатларидаги йирик корхоналарда ҳам меҳнат қилишмоқда. Шўртан конларини ўзлаштираётганлар орасида ҳам Муборак газни қайта ишлаш заводида етишиб чиққан мутахассислар оз эмас.

Завод қурилиши ҳақида икки калима сўз:

Маълумки, газ саноати дунёда ёш соҳалардан саналади. Шунга қарамасдан газ саноати республикамизда жуда тез ривожланди. 1956 йилда Жарқоқ, Газли газ конлари очилди. Шу муносабат билан Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент газ магистрали қурилиши бошлаб юборилди. 767 километрли масофага диаметри 1020 мм. бўлган пўлат қувурларни ётқизиш ишлари кадрлар ва техника етишмаслиги шароитида рекорд муддатларда — 22 ой ичида уддаланди. Бу ҳақиқий мўъжиза эди. 1958 йилнинг 20 мартида Бухорода, 1960 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида «зангори олов» ёқилди. Сўнгра газимизни Россияга олиб бориш ишлари бошланди. 2500 километрли газ магистрали икки йилу уч ойда қуриб битказилди. Натижада Урал саноат корхоналари Бухоро гази билан ишлашга ўтказилди. 1965 йилда 20 миллиард кубометр Ўзбекистон гази Магнитогорск ва Свердловск саноат корхоналарига етказиб берилди. Бу ўша вақтда собиқ СССРда қазиб олинаётган газнинг 15 фоизига тенг эди.

Умуман, табиий газни олтингугуртдан тозалаш дунё миқёсида жуда кам қўлланарди. Муборак заводи собиқ Иттифоқда энг катта бўлган биринчи корхона бўлиши керак эди ва шундай бўлди ҳам. Бу корхона дастгоҳлар билан таъминланди. Асбоб-ускуналар билан бир қаторда ҳамма томондан мутахассислар ҳам оқиб кела бошлади. Муборакда ишчиларнинг палатка ва вагон уйчаларидан иборат посёлкаси қад ростлади. Сув етишмайди, бунинг устига «афғоняра», деб аталувчи касалликни тарқатувчи пашша қурувчиларга қаттиқ зарба берди. Соғлиқни сақлаш, маиший хизмат, транспорт, алоқа тармоқлари йўқ даражада эди. Булар ҳаммаси заводни қуриш жараёнида ҳал этилди. 1967 йил 18 декабрда завод қурилиши дирекцияси ташкил этилди.

Ўша йилларда саноатни ўстириш ва тезроқ катта иқтисодий натижаларга эришиш мақсадида халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, табиатни асраб-авайлаш сингари омилларга етарлича эътибор берилмаган. Фақат «Арзон ва тез» шиори олдинга сурилган. Мана, орадан чорак аср ўтган бўлса ҳамки, ўша пайтдаги шошма-шошарлик оқибатларини кўриш мумкин. Атроф-муҳитни муҳофазаловчи объектлар талабга жавоб бермайди. Улар қайтадан қуриляпти.

Раҳбарият ташаббуси билан Шаҳрисабздан сув олиб келиш ғояси олдинга сурилди. 200 километр масофага диаметри бир метрдан ҳам кенгроқ бўлган сув қувурлари ётқизилди. Натижада нафақат бўлажак заводнинг эҳтиёжи учун, балки Қарши, Косон ва Муборак шаҳарларининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи қопланди.

Эндиликда Муборакда ёнган машъала Косон шаҳридан ўтганингиздан оқ кўзга ташланади. Бу ерда минглаб маҳаллий кадрларимиз — оловқалб ёшлар ёниб меҳнат қилаётганлигини англаш қийин эмас. Муҳими, мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятига салмоқли ҳисса қўшилмоқда. Демак, нефть ва газ саноатидаги байроқдорлик дунёга кўз-кўз бўлмоқда.

ГЎЗАЛЛИК ҚИДИРАМАН

Муборак газни қайта ишлаш заводи билан биринчи бор танишишим Муборак шаҳар ижроия кўмитасининг меъмори лавозимида ишлаётган давримда бошланган. Бунгача кўлами жиҳатдан бундай йирик корхонада ишламаганим учун, ҳар ҳолда унинг салобати олдида ожиз қолардим. Меъмор-инструктор сифатида заводнинг сиртқи кўринишини яхшилаш, барча дабдаба-ю асъасаларни гўзалликка бўйсундириш менинг амалга ошмайдигандек кўринган орзуларим эди. Ва мен вақти келиб бу йирик корхонанинг лойиҳалаштириш-конструкторлик бўлимига раҳбарлик қиламан, деб ўйламагандим.

Муборак газни қайта ишлаш заводини тасаввур қилиш учун унинг маҳобатли қурилмаларию, ўнлаб километрдан ловуллаб ёниб кўринадиган машъаллари камлик қилади. Заводнинг ичи, ишлаб чиқариш жараёни ўзи бир олам. Бу ерда ишлаётган қалби машъалдек ловуллаб турган ажойиб кишилар фаолияти шу кемтикни тўлдираётган бўлса ажаб эмас.

Меъмор сифатида ҳар бир нарсадан, ҳатто қақ-қайиб турган темир-терсакдан, ҳаммаёқни ларзонга солиб ишлаётган технологик қурилмалардан ҳам гўзаллик қидираман. Гўзаллик — инсонга хизмат қилиши керак, унинг руҳиятига ижобий таъсир қилиши зарур, деган ақида ором бермайди. Шу туфайли ишга тайинланганимнинг дастлабки кунлариданоқ директоримизнинг ҳузурларига бир папка таклифистакларни қўлтиқлаб кирдим.

— Жуда яхши, — деди Нуриддин Зайниевич, таклифларим билан танишиб чиқаркан. — Булар фақат сизнинг эмас, балки ҳаммамизнинг ҳам орзуларимизку. Келинг, ҳаммасини тартиб билан, бир бошдан бошлайлик. Аввал заводнинг ички томонини тартибга солайлик. Қаранг, йўлаклар, дам олиш жойлари йигирма-йигирма икки йил бурун қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Наддид бор, на кўриниш. Лойиҳасини тайёрлаб олиб киринг, кўриб чиқамиз.

Бир ҳафтага қолмай лойиҳа тайёр бўлди.

— Қоғозда-ку чиройли чиқибди, ҳақиқатда қандай бўлар экан, харажати-чи? — деб гап қистирди директор ўринбосарларидан бири.

Мен тушунтириб бердим. Хуллас, лойиҳа ўтди. Бир ойга яқин ўтар-ўтмас шарқона услубда қурилиш бошлаб юборилди. Қўли гул қурувчиларнинг бетакрор маҳорати туфайли зерикарли, тунд манзара ўрнини гўзаллик эгаллади. Энди заводнинг атрофларини ободонлаштиришга киришилди. Қамишзор ўрнида, ўзига хос хиёбонлар яратдик. Энг кўзга кўринарли ерда чойхона қад ростлади, сауна қурилди. Бултургача ишчи-хизматчиларимиз ишдан сўнг шаҳар бозорига ошиқишарди. Бу оворагарчиликка ҳам чек қўйилди. Ўз бозоримиз ишга туширилди. Энди бу ерга Муборак ва Косон туманларидан деҳқонлар, тижорат билан шуғулланадиган кишилар келиб савдо-сотиқ қилишмоқда. Хуллас, меҳнатимиз мевасидан ҳамма баҳраманд.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Кадрлар етишмайди. Мен айтмоқчи — талантли, ташаббускор, ўз касбининг фидойиси бўлган меъмор-муҳандислар оз. Уларга эшигимиз ҳамиша очиқ.

Салим АЛЛОЁРОВ,
Муборак газни қайта ишлаш заводи лойиҳа-конструкторлик бўлими бошлиғи.



ТОШКЕНТ "БЕШ- ЁҒОЧ ПИВО" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон ҳукумати ва бутун халқини кириб келаётган

1997

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Янги йил байрами муносабати билан самимий муборакбод этади.

Ушбу фарахли кунда сизларнинг барчангизга келажак ишларингизга муваффакиятлар, оила ва жамоангизга кут-барака тилаймиз. Бугунги кунда мамлакатимиз - мустакил Ўзбекистонимиз равнаки йўлида мехнат қилаётган, изланаётган, янгилик яратаётган барчангизнинг ниятларингиз амалга ошишига тилакдошмиз!

ОСИЁ-ВЕСТ

OTO

WEST

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ

"ОСИЁ-ВЕСТ"

қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини ва барча ўзбек халқини кириб келаётган

Янги — 1997 йил

билан сидқидилдан муборакбод этади.

Янги

йил ҳақиқатан инсон манфаатлари йили бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Янги

йилда мамлакатимизнинг ҳар бир хонадонидан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларидан эса кут-барака аримасин.

"ОСИЁ-ВЕСТ" ҚЎШМА КОРХОНА ЖАМОАСИ.

Ислоҳот ва транспорт

МАҚСАДИМИЗ – ХИЗМАТ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ

дейди «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси раиси Равшан ФАЙЗУЛЛАЕВ

Маълумки, ўтаётган йил ЮКСАЛИШ йили, дея эътироф этилганди. Шу боис ҳам йил бошидан барча соҳада самарадорликка эришиш, мустақилликни мустаҳкамлашнинг мезони — ютуқлар кўламини оширишга эътибор қаратилди. Буни айни пайтда йил сарҳисобларидан ҳам кўриш мумкин. Шу мақсадда Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмаси «Тошшаҳарйўловчитранс» раиси Равшан ФАЙЗУЛЛАЕВга мурожаат қилдик.

— Равшан Фатхуллаевич, шаҳар йўловчиларига транспорт хизматини яхшилаш доимий равишда оғриқли муаммолардан бўлиб келган. Шундай бўлса-да, кейинги пайтда кўнглимизга таскин берадиган ютуқлар сони кўпайиб, қийинчиликлар барҳам топаётгандай...

— Гапни шу йилнинг август ойида республика Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарордан бошласам. Қарорнинг барча банди пойтахт йўловчиларига хизматни тубдан яхшилашга қаратилган эди. Ҳар қандай давлатда шаҳар транспорти ўша шаҳар мулки ҳисобланган. Биз ҳам шаҳар ҳокимлиги тасарруфига кирдик. Ишни пойтахтдаги мавжуд автобус моддий-техника базасини кучайтириш, трамвай ва троллейбусларда чипта тизимини жорий қилишдан бошладик. Бунга биринчи октябрдан эмас, беш кун олдин 25 сентябрдан киришилди. Талабимиз бўйича 1950 нафар чиптачи-назоратчи керак эди. Ҳозир ўринларни тўлдириш бўйича кадрларни қабул қиляпмиз. Шу кунгача 1400 га яқин чиптачи-назоратчи олинди. Натижада уч ойда даромад нақд пул ҳисобига 41 млн. сўмга ошди.

Шаҳримиз кўчаларидаги янги автобусларга келсак, ҳозирда йўловчи ташиш учун қулай бўлган «Мерседес» русумли автобусларни МДҲ даги биронта мамлакатнинг шаҳарларида учратмайсиз. Автобуслар нархи ниҳоятда қиммат, лекин бошқа автобусларга қараганда уч карра кўп хизмат кўрсатишга яроқли. Бу автобусларга бефарқ қараб эмас, унга инсоний муносабатда бўлган тақдирдагина, албатта.

— Гапингиз тўғри, шу елдек учадиган автобуснинг ҳам ички қисми, ўриндиқлари ҳозирданоқ кишилар томонидан тирналаётганига кўзимиз тушаяпти.

— Шунинг учун менимча оила, мактаб ва маҳаллада ҳар бир киши ёшларга тушунтириш олиб борганда Ватанга муҳаббат унинг ҳар қандай мулкига муҳаббат билан ўлчанишини ҳам айтмоғи даркор.

— Шу йилнинг 3 сентябридан «Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди...

маркази билан боғланган йўналишларга қатнаяпти. Яқин орада яна 65 та шундай автобуслар келтирилади. Бундан ташқари, Украинадан 65 та «Лаз» автобуслари, Чехиядан 10 та «Татра» трамвай, 15 та «Шкода» троллейбуси олиб келинди. Россия, Чехия ва Украинадан транспорт воситалари олиб келиш давом этади. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасида тинимсиз иш олиб борилади.

Уюшмамизда 25 минг ишчи таъ троллейбус ва икки йўналиш бўйича метро хизмат қилаяпти. Шу йилнинг ўзида 21 йўналиш бўйича қатновлар аҳоли талабига мос қилиб ўзгартирилди. Уларга қулайлик туғдирилди. Беш йўналишдаги автобуслар оддий, яъни 6 сўмликка ўтказилди. Албатта, шу йўналишлардаги аҳоли талаб-истаги ҳисобга олинди.

— Шу кунларда қийнаб турган муаммолар ҳақида нима дея оласиз?

— Ҳайдовчилар ўртасида иш интизоми мустаҳкамланса, йўловчилар эса йўл ҳақини ўз вақтида тўласа, шаҳар транспортларини улар ўз мулки, деб бил-

— Мазкур Қонунга мувофиқ ички ишлар ходимлари, ҳатто депутатлар шаҳар транспортларига (таксидан ташқари) йўл ҳақи тўлаши кўзда тутилган. Биргина шу Қонун кучга кирмасдан аввал — август ойида барча шаҳар транспортларидан 338 миллион 700 минг сўм йўл ҳақи тушуми бўлган бўлса, Қонун амалиёти туфайли ноябрь ойида 380 миллион 148 минг ёки бўлмаса 41 миллион 448 минг сўм кўп тушум бўлди. Ваҳоланки, шу даврларда бирон-та ҳам янги маршрут ва транспорт қўшимча қўйилмаган. Даромадимиз 14 фоизга ошди. Шу қўшимча даромад ҳисобига 1,7 баробар ишчиларимиз маошини оширишга эришдик.

Шаҳримизда 41 минг нафар Қонунда кўрсатилган бепул юриш ҳуқуқига эга фуқаро бор. Шу кунгача улардан 30 мингига кераклі гувоҳнома берилди. Яқин ўртада ҳаммаси шу гувоҳномалардан олади. Шунда ҳеч қандай «қизил» ҳужжат ўтмайди. Муаммолар ечимини топади, деб ўйлайман.

— Қўшимча янги траспортлар олиб келиш, янги маршрутлар очиш борасидаги ишларга ҳам тўхталсангиз.

— Ўтган йили 107 та «Мерседес» — шаҳар йўловчиларига ихтисослашган энг сўнгги русумли автобус олинган эди. Бу йилнинг биринчи 6 ойида 106 та шундай автобусни Олмониядан олиб келдик. Ҳозирда 213 та шундай автобуслар аҳоли кўп яшайдиган мавзеларга, шаҳар кучи бор. Ҳозир улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳайдовчи билан йўловчиларга маданиятли хизмат кўрсатиш учун шартномалар тузяпмиз. Ўрта бўғин раҳбарлар тўлиқ аттестациядан ўтказилди. Кўп йил ишлаганлар меҳнатини қадрлаш учун қўшимча маош жорий этилган. Масалан, беш йилгача ишлаганга 20 фоиз, ўн йилгача ишлаган эса 30 фоиз, йигирма йилдан ортиқ ишлаётганлар бизда 50 фоиз қўшимча маош олади. Бу билан ишга қунимсизлик йўқолади. Янги кадрлар тайёрлашга кетадиган маблағ тежалади. Инсон манфаати ошади.

— Янги йўналишлар ҳам очилаяптими?

— Шу йилнинг ўзида 8 та автобус, 3 та троллейбус, 5 та трамвай йўналишларига қатнов йўлга қўйилди. Янги — 1997 йилда 14 километр узунликдаги Бектемир туманига троллейбус қатновини очишни режалаштирганмиз. Иш режа асосида олиб борилаётгани боис ўн бир ойлик режа ошириб уддаланди. 3 миллиард 295 млн. 782 минг ўрнига, 3 миллиард 399 млн. 680 минг сўм тушум қилинди. Бу 104 млн. сўмга яқин кўп демакдир. Албатта, ҳамма йўловчи йўл ҳақини тўлаяпти, деёлмайман. Аниқ ҳисоб-китобга қараганда 11 ойда 726 млн. 373 минг киши ташилган. Бу ҳам мўлжалланганидан кўпдир.


Ҳозир ҳар куни шаҳар аҳолисига 1130 та автобус, 110 маршрут такси, 280 та трамвай, 260 са муаммолар ечимини топаверади.

Яна бир гап. Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ва жойлардаги бўлинмалари саъй-ҳаракати боис иккита қалбаки «Умумий ойлик чипта» тайёрлаб сотувчилар гуруҳи қўлга олинди. Охирги бор ушланган гуруҳ аъзоларидан 13 нафари ҳозирда сўроқ қилинмоқда. Уларнинг мўмай пул топиш илинжисидаги орзуларига чек қўйилди. Шунинг учун шаҳар транспортидан фойдаланувчилар фақат бизнинг махсус чипталар сотадиган жойларимиздан «Умумий ойлик чипта»ни сотиб олсалар мақсадга мувофиқ бўлади.


Модомики, ҳар қандай жамоада ютуқ ва камчиликлар кўзга ялт этиб кўриниб турар экан, албатта муаммоларни атрофлича бартараф этиш мумкин. Ютуқ эса ўзимизники. Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни Янги — 1997 йил билан қизғин табриклайман.

Кўриниб турибдики, йил якунлари тўғри ва аниқ таҳлил этилмоқда. Демак, шаҳримиз аҳли ва мамлакатимиз пойтахтига ҳар куни келаётган минглаб меҳмонларга транспорт хизматини кўрсатиш яхшиланади.

Суҳбатдош: Эркин ТОШТЕМИРОВ.



UZMAL OIL



Ўзбекистон — Малайзия

"ЎЗМАЛ ОЙЛ"

қўшма корхонаси


Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини ҳамда Ватанимизда яшаётган барча халқларни кириб келаётган

Янги — 1997 йил билан

сидқидилдан муборакбод этади!

Янги йил зафарли ва инсон манфаатлари йили бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Янги йилда мамлакатимизнинг ҳар бир хонадонидан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларидан эса кут-барака аримасин.



ЗАМОНАВИЙ ТАРМОҚ

Замонавий тармоқ технологиялари ҳақидаги мақолалар туркумидан

ИШЧИ СОҲАСИ

Ишчи соҳаси шундай жойки, унда терминал асбоб-ускуналарини (ишчи станцияларини) тузилган кабель тизимига улаш рўй беради.

Ишчи соҳаси одатда иккита (камида битта) ахборот розеткасидан иборат бўлиб, улардан биринчиси компьютерни, иккинчиси эса телефон аппаратини ёки шунга ўхшаш вазифани бажарувчи қурилмани улаш учун мўлжалланган.

ЁТИҚ КАБЕЛЬ ТИЗИМИ

Ётиқ кабель тизими деб ишчи соҳасининг ахборот розеткалари ўртасидаги оралиқда ва ётиқ тақсимот узелларидаги тегишли коммутация блокларида турган СКС қисми аталади.

Ётиқ кабель тизими қуйидаги компонентлардан иборат:

- Ишчи соҳаларининг ахборот розеткалари
- Ётиқ кабель бўлаклари
- Кабелни механик терминация иш (ишлов бериш) қурилмалари
- Коммутациянинг ётиқ узелларида жойлашган кросланадиган кабеллар.

(Боши газетанинг 23,30 ноябрь, 14,21 декабрь сонларида).

МАГИСТРАЛЬ КАБЕЛЬ ТИЗИМИ

Магистраль кабель тизими тузилган кабель тизимининг асосий тақсимот узеллари, ётиқ узеллар ва кириш узеллари каби компонентларининг ўзаро боғланишини таъминлайди.

Магистраль кабель тизими қуйидаги компонентлардан иборат:

- Магистраль кабеллар
- Кроссировканинг асосий ва оралиқ блоклари
- Магистраль кабеллар ўртасида кроссировка учун фойдаланиладиган кроссировка кабеллари

ЁТИҚ ТАҚСИМОТ УЗЕЛИ

Ётиқ тақсимот узели деб магистраль кабель тизими ва ётиқ кабель тизими ўртасида ўтиш бўғини бўлиб хизмат қилувчи ёпиқ соҳа (хона) аталади.

Ётиқ тақсимот узели одатда асбоб-ускуналарни, фаол қурилмаларни улаш учун зарур миқдордаги электр розеткаларини, ёритиш ва ёнғиндан ҳимоя қилиш воситаларини жойлаштириш учун битта ёки бир неча андозавий стойкалар ёки шкафларни ўз ичига олади.

Ётиқ тақсимот узели қуйидаги элементлардан иборат бўлиши мумкин:

- Кроссировканинг ётиқ, оралиқ ва асосий блоклари.
- Бошқа улаш асбоб-ускуналари.
- Локал тармоқнинг тегишли қисмлари ўртасида ўтиш бўғини сифатида хизмат қилувчи фаол тармоқ асбоб-ускуналари.
- Фаол тармоқ асбоб-ускуналари ишини таъминлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи асбоб-ускуналар (вентиляторлар, узлуксиз электр таъминоти манбалари ва ҳоказо)

Кўриб чиқилаётган тизимда ётиқ тақсимот узеллари ишчи гуруҳларини ташкил этиш учун коммутациянинг ётиқ блокларидан, тармоқ асбоб-ускуналаридан, шунингдек, турли ёрдамчи қурилмалардан иборат бўлади.

АСОСИЙ ТАҚСИМОТ УЗЕЛИ

Асосий тармоқ узели ўзидаги мавжуд асбоб-ускуналарнинг сони кўплиги ва мураккаблиги сабабли (ётиқ тақсимот узели билан таққосланганда) мустақил таркибий бирликка киради.

Асосий тақсимот узели ҳам ётиқ тақсимот узели бажарадиган вазифаларни амалга ошириди ва ўша асосий компонентлардан иборат бўлади.

Кўриб чиқилаётган тизимда асосий тақсимот узели қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- Кроссировканинг асосий блоклари (бино ва бинолар боғланиши магистраль кабель тизимларини улаш)
- Локал тармоқда магистраль маркази ролини бажарувчи фаол тармоқ асбоб-ускуналари
- Ёрдамчи асбоб-ускуналар

КИРИШ УЗЕЛИ

Кириш узели шундай соҳа (хона)ки, унда ички кабель тизими ташқи кабель каналлари билан (кабель телевидениеси, Х. 25 тармоғига кириш канали, АТСга уланиш линиялари ва ҳоказо).

Одатда кириш узели ички ва ташқи кабелларни уловчи элементлардан, шунингдек, мувофиқлаштирувчи қурилма (масалан, мувофиқлаштириш асбоб-ускуналаридан) иборат бўлади.

Шавкат АЗИЗОВ,
техника фанлари номзоди
Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Microsoft HEWLETT PACKARD IBM APC 3Com Novell

ЛАНИТ-ТА

ЛАНИТ ҳиссадорлик жамияти барчани Янги йил билан самимий қутлайди!

"ТАРМОҚ АКАДЕМИЯСИ"
Novell, Microsort, SCO ва IBM нинг Муаллифлаштирилган Ўқув маркази ахборот технологиялари соҳасида юксак малакали мутахассисларни тайёрлайди.

АЛОҚА ВА ЭЛЕКТР АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ТИЗИМЛАРИ
Энг янги технологиялар асосида маҳаллий (минтақавий) телефон алоқаси ва электр асбоб-ускуналари тизимларини лойиҳалаш ҳамда яратиш Узлуксиз кафолатланган электр таъминоти тизимлари.

"ЛАНИТ - КОНДИ" -ХАВОНИ КОНДИЦИОНЕРЛАШ ТИЗИМЛАРИ
Ҳавони кондиционерлашнинг ишончли юксак сифатли тизимларини таклиф этади.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ
Банк тизимлари - электрон тўловлар- телефон бўйича банк - магнитли ва смарт-карт негизида тўлов тизимлари - нафақа жамғармалари учун автоматлаштирилган махсус тизимлар- офислар учун компьютерли телефония.

ДИСТРИБУЦИЯ
Novell Inc, Microsort, IBM Corp., American Power Convertion, Hewlett Packard, Seiko Epson Corp., AST Research Inc., 3Com, ZyXEL каби ахборот технологиялари соҳасида ишлаётган жаҳондаги 30дан ортиқ энг йирик ишлаб чиқарувчиларнинг дистрибьютери ва ҳамкори ҳисобланади.

ТИЗИМЛИ ИНТЕГРАЦИЯ
Мураккаб тармоқли тизимларни яратишга йўналтирилган. Тизимларни ишлаб чиқариш ва амалга оширишнинг барча босқичлари. Тармоқ технологиялари бозорида етакчи бўлган 3Com корпорациясининг тармоқ интеграцияси муаллифлаштирилган маркази.

МОДИЯ ВА ОФИС ТИЗИМЛАРИ
Йирик корпоратив мижозлар учун ахборот тизимларини лойиҳалайди ва яратади.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНМАСИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
Ҳужжатларни ва ҳужжат айланмасини бошқариш учун комплекс ечимлар ишлаб чиқади.
- Ҳужжатларни автоматлашган тарзда рўйхатга олиш, сақлаш ва қидириш-Ҳужжатларнинг электрон тасвирларини қайта ишлаш-Электрон почта негизида гуруҳий ишлашни ташкил этиш.

ЛАНИТ-ТА

"ЛАНИТ-ТА" ҲЖ, 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 95.
Телефон/факс: (3712) 33-20-99, 30-45-36. E mail: intro@vealine. gimli. com
"ЛАНИТ" ҲЖ, Москва, Доброслободская кўчаси, 5.
Телефон: (095) 267-3038. Факс: (095) 216-5781. E - mail: lanit@lanit. msk. su WWW: http:// www. lanit. msk. su/

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Қиз ва қувончлар», «Буюк ёпилиш». Мультфильмлар.
8.50 «Қушиғим — жон қушиғим».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.45 Бокс бўйича Ўзбекистон кубоги. Ярим финал.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Тошкентга саёҳат». Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрининг спектакли.
13.30 «Кўнгил тароналари». Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Эркатой».
18.40 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.00 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.30 «Морена Клара». Телесериал.
22.15 «Бу оқшом...»
22.35 «Ёшлар базми». Байрам дастури.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Мақом кечаси.
00.30 — 00.40 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Видеоклип.
18.15 ТВ-2. Эълонлар.
18.20 «Қиш кунларининг бирида». Мультконцерт.
18.50 Болалар ва катталар учун қувноқ шеърлар.
19.00 «Ўтган йилги қор ёғди». Катталар учун мультфильм.
19.20 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Видеоклип.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Видеоклип.
20.00 «Автосалон». Байрам дастури.
20.10 «Қалбдан қалбга». Вена бали.
20.20 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Видеоклип.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Видеоклип.
21.05 «Оловуддин-97». Киноконцерт.
21.25 «Курьер».
21.40 «Турли қизиқишлар».
22.15 ТВ сирларни ошкор этади.
22.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 — 00.30 Янги йил кинозали.
III
17.55 Янгиликлар.
18.00 Эълонлар.
18.05 «Янги қурбон». Телесериал.
19.00 Мусиқий дам олиш дастури.
*
19.20—21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 «КВН-96». Финал.
*
23.20—23.50 Россия давлат телевидениеси.
*
23.50 Эълонлар.
23.55—24.00 Янгиликлар.
IV
17.10 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Спорт-тайм».
19.40 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.00 Кечки сеанс. «Қўриқчи». Бадиий фильм.
21.30 Видеоканал «Кимга қанақа?». Байрам дастури.
«Эҳтиёжга эътибор...»
«М» хабар.
«Душанба».
«Шлягер».
«Авторейд».
«Аёл».
«5+1». Интервью.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 31

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Янги йилим — яхши йилим». Адабий-мусиқий композиция.
8.50 «Ертиқулоқ ва ялқовлар». Мультфильмлар тўплами.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
10.30 Бокс бўйича Ўзбекистон кубоги. Финал.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Омад кулиб боққанда». Бадиий фильм.
13.10 «Қутлов». Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг Янги йил байрам дастури.
14.00 — 16.15 Саид Аҳмад. «Келинлар қузголони». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ён-ён, арчажон!»
18.40 Мусиқий йилнома.
19.20 Байрам табриги. Эълонлар.
19.30 «1996 йил». Информацион шарҳ (рус тилида).
20.00 Байрам табриги. Эълонлар.
20.10 «Бир улка-ки...» 1-қисм.
20.35 «Юлдузлар шуъласи». Спорт кўрсатуви.
20.55 Байрам табриги. Эълонлар.
21.00 «Йилнома». Информацион шарҳ.
21.45 Байрам табриги. Эълонлар.
21.55 «Бир улка-ки...» 2-қисм.
22.25 «Репортаж».
22.40 «Мутойиба». Янги йил ҳазиллари.
22.55 ТВ-I каналида Янги йил. 1-қисм.
23.45 Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг байрам табриги.
00.05 ТВ-I каналида Янги йил. 2-қисм.
01.30 «Чимён тароналари».
02.20 «Мафтункор чеҳралар».
03.00 Эстрада калейдоскопи (Сан-Ремо-96).
03.30 «Ватан тимсоллари».
03.40 — 03.50 «Янги йилингиз билан!». Видеоклип.
II
18.00 Янгиликлар.
«Ўзбекистон: кундан — кунга». Видеоклип.
18.10 Эълонлар.
18.15 Йил якунлари.
18.30 Болалар учун. Янги йил мультфильмлари.
18.50 «Янги йил учрашувлари». Байрам дастури.
19.20 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Блиц-интервью.
19.25 Эълонлар.
19.30 «1996 йил». Информацион шарҳ (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
«Ўзбекистон: кундан — кунга». Видеоклип.
20.05 «Янги йил учрашувлари». Байрам дастурининг давоми.
20.25 Бриджит Бардо қушиқлари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Йилнома». Информацион шарҳ.
21.45 Эълонлар.
«Ўзбекистон: кундан — кунга». Видеоклип.
21.55 «Санта Клаус билан шартнома». Бадиий фильм.
23.15 «Янги йил байрам дастури». 1-қисм.
«Ўзбекистон: кундан — кунга». Видеоклип.
23.45 Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг байрам табриги.
00.05 «Янги йил байрам дастури». 2-қисм.
01.05 «Азизим Шанель». Бадиий фильм.
02.45 — 03.15 Мусиқий дастур.
III
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
7.30—9.00, 18.00—23.45 Россия жамоат телевидениеси.
*
23.45 Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Янги йил табриги.
00.05—00.35 Мусиқий дам олиш дастури.
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси..
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Чинор». Байрам дастури.
19.30 «Сен ҳақингда ва сен учун». Мусиқий дам олиш кўрсатуви.
19.50 «Келинг, Янги йилни кутайлик». Билиб қўйган яхши.
20.20 Эълонлар.
20.25 «Шаҳрим — фахрим». Шаҳар ва унинг кишилари Янги йилни кутиб олиш арафасида.
20.55 Кинонинг олтин асри. «Итальянча Бонни ва Клайд» (Италия).
22.15 «Эсдалик учун дастхат».
22.45 Бизнинг табрикларимиз.
23.10 «Рақслар қанотида». Жаҳон халқлари рақслари.
23.45 Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Янги йил табриги.
00.05 «Янги йил учрашувлари». «Илҳом» театри.
01.05 «Эколот-коктейль». Ёшлар учун Янги йил дастури.
01.45 Эълонлар.
01.50 Кинонинг олтин асри. Андриано Челентано «Телбаларча ошиқ» фильмида (Италия).
03.30 Эълонлар.
03.35—03.45 «Хайрли тонг!».

ЧОРШАНБА, 1

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.45 «Йилнома».
*
8.45 «Янги йилингиз қутлуғ булсин!». Мадҳия.
8.55 «Пингвин Лоло саргузаштлари». Мультфильм. 1-қисм.
9.10 «Ассалом, Янги йил!». Болалар карнавали.
9.40 «Пингвин Лоло саргузаштлари». Мультфильм. 2-қисм.
9.55 «Ёшлигимнинг олтин сози». Байрам мусиқий дастури. 1-қисм.
10.25 Спорт йилномаси.
10.50 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларининг телевизион фестивали.
11.30 «Темурнома».
11.50 Йил беллашувлари. Бокс.
12.20 «Маъруф ва Шариф». Бадиий фильм.
13.45 Йил беллашувлари. Бокс.
14.20 «Пингвин Лоло саргузаштлари». Мультфильм. 3-қисм.
14.40 «Янги йилнинг биринчи куни». Байрам лавҳаси.
14.50 «Ёшлигимнинг олтин сози». Байрам мусиқий дастури. 2-қисм.
15.20 Уйғун. «Парвона». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
17.20 «Амир Темур йили қушиқлари». Видеоклип.
17.25 Президент арчаси.
18.00 «Бир улка-ки...». 3-қисм.
18.25 «Морена Клара». Телесериал.
19.10 «Ўзбекенгилсаноат: йил якунлари».
19.20 «Амир Темур йили қушиқлари». Видеоклип.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.10 «Янги йил эртаги».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Амир Темур йили қушиқлари». Видеоклип.
21.05 «Яна Тошкентга саёҳат». Театрлаштирилган мусиқий дам олиш дастури.
21.50 Диққат, телепремьера! «Ака Шариф Тошкентда». Бадиий фильм.
23.10 «Автоолам-шоу». Байрам дастури.
23.50 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Қиноҳазил.
00.10 «Амир Темур йили қушиқлари». Видеоклип.
00.15 «Нури дийдам». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар (Ҳиндистон).
02.25 Шарқ эстрадаси оҳанглари.
02.45—02.55 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
«Мустақил Ўзбекистон». Видеоклип.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ерилтош». Мультфильм. Янги йил сони.
18.35 «Нафис мажлислар».
19.15 «Мусиқий йулка».
«Мустақил Ўзбекистон». Видеоклип.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
«Мустақил Ўзбекистон». Видеоклип.
19.55 «Офисино» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Мустақил Ўзбекистон». Видеоклип.
21.00 Ўзбекистон юлдузлари табриклайдилар.
«Мустақил Ўзбекистон». Видеоклип.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Кинонигоҳ». Янги йил киносеанси.
00.20 — 00.25 «Мустақил Ўзбекистон». Видеоклип.
III
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.00—22.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.40 Мусиқий-дам олиш дастури.
*
23.10—23.45 Россия давлат телевидениеси.
*
23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 «Мисгар». Телефильм.
IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.00 «Биргаликда куйлайлик».
11.50 Эълонлар.
11.55 «КВН-финал».
13.35 Киносалон. «Ўгрилар мактаби». Бадиий фильм. 1-серия (Италия).
15.05 Эълонлар.
15.10 «Жонли тил».
16.10 «Бу ажиб дунё».
16.30 «Учрашгунча хайр!».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Тошкент оқшомида».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Салом, келажак!».
20.05 «Алло, эшитаман!..»
20.35 Эълонлар.
20.40 «Каталог-шоу».
21.40 Киносалон. «Ўгрилар мактаби». Бадиий фильм. 2-серия (Италия).
23.15 Эълонлар.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 2

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Мумтоз ашулалар.
9.00 «Файзли дамлар». Телеочерк.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Кинолавҳа.
10.10 «Дилдаги гаплар». Абулқосим Туйчиев.
11.00 «Инсон ва замин». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Эски уй соҳиблари». Мультфильм.
12.00 «Ён-ён, арчажон!»
12.30 Т. Юнус, А. Расулов. «Бири кам дунё». Муқимий номидаги Ўзбек мусиқий театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз». Янги йил байрам сони.
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.55 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Дилнавоз садолар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.50 «Қовун тушди».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40—00.20 «Кинонигоҳ».
III
18.10 Янгиликлар.
18.15 Эълонлар.
*
18.20—21.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Шоҳсупа сари».
*
22.00—22.35 Россия давлат телевидениеси.
*
22.35 «Алла Пугачева билан учрашув».
23.15 Эълонлар.
23.20—23.25 Янгиликлар.
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Иймон даъвати».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Бу бустон аро...»
20.40 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
21.10 «Муъжизалар».
21.35 Араб эстрадаси.
22.05 Эълонлар.
22.10 «Уй остонадан бошланади».
22.40—22.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 4

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Юнус Ражабий». Ҳужжатли фильм.
10.30 Анвар Обиджон. «Кулги булар ҳаммага». «Томошабоп» болалар фольклор театрининг спектакли.
11.30 «Темурнома».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
11.50 «Ёш куч». Тележурнал.
12.30 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
13.00 «Хабарнома».
*
13.10—14.30 «Ажойиб ҳаёлпараст». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қушиқ».
19.05 «Меҳр қолур...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
19.55 «Сиздан ишорат».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.50 «Қовун тушди».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40—00.20 «Кинонигоҳ».
III
18.10 Янгиликлар.
18.15 Эълонлар.
*
18.20—21.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Шоҳсупа сари».
*
22.00—22.35 Россия давлат телевидениеси.
*
22.35 «Алла Пугачева билан учрашув».
23.15 Эълонлар.
23.20—23.25 Янгиликлар.
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Иймон даъвати».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Бу бустон аро...»
20.40 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
21.10 «Муъжизалар».
21.35 Араб эстрадаси.
22.05 Эълонлар.
22.10 «Уй остонадан бошланади».
22.40—22.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Болалар учун концерт.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 23-куй.
13.10 «Қувноқ стартлар».
14.00—15.00 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Арча қувончлари».
18.30 «Борже узуги». Телесериал.
19.15 «Келгуси ҳафтада».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир улка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.30 «Бу мунис лаҳзалар».
21.50 «Шахс ва бахс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 24-куй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Дараҳчи».
9.10 «Боланинг тили».
9.25 «Мульти-пульти».
9.50 «Болажон» экрани.
11.35 «Дилором наволар».
11.40 «Унутилмас тасмалар».
13.15 «Табиат шифохонаси».
13.30 «Бека».
13.45 «Эҳтиром».
14.05 «Ана шунақа...» Ҳажвий кўрсатув.
14.30 Видео — «О».
16.15 Кундузги дастур ниҳояси.
* * *
18.00 Якшанба дастурининг оқшом кўрсатувлари.
18.05 «Дараҳчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи...»
18.40 «Мульти-пульти».
19.00 «Дунё қуриб — дунё ярат».
19.20 «Дилором наволар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Таманно».
21.20 «Умрбоқий мерос».
21.35 «Меэбон».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Видео — «О».
00.10—00.20 «Мувозанат». Келгуси ҳафта тақвими ишқибозлари учун.
III
17.25 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.30—21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 Эълонлар.
22.35—23.00 «Панорама».
IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Парле ву франсе».
11.50 «Жонли сайёра».
12.10 Киносалон. Акиро Куросаванинг «Ран» фильми.
14.40 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
15.20 «Биргаликда куйлайлик».
16.10 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
16.40 «Сенинг вақтинг».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.00 «Мультқарусель».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Телеташирф».
19.35 «Дарвоқе». Дам олиш кўрсатуви.
20.00 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
20.15 Эълонлар.
20.20 Киносалон. Б. Бертолуччининг «Ўгри фариштэ» фильми (Италия).
22.30 «Иштирок этувчилар».
23.00 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
23.30 «Эллада». Рождество дастури.
24.00 Эълонлар.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Болалар учун концерт.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 23-куй.
13.10 «Қувноқ стартлар».
14.00—15.00 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Арча қувончлари».
18.30 «Борже узуги». Телесериал.
19.15 «Келгуси ҳафтада».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир улка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.30 «Бу мунис лаҳзалар».
21.50 «Шахс ва бахс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 24-куй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Дараҳчи».
9.10 «Боланинг тили».
9.25 «Мульти-пульти».
9.50 «Болажон» экрани.
11.35 «Дилором наволар».
11.40 «Унутилмас тасмалар».
13.15 «Табиат шифохонаси».
13.30 «Бека».
13.45 «Эҳтиром».
14.05 «Ана шунақа...» Ҳажвий кўрсатув.
14.30 Видео — «О».
16.15 Кундузги дастур ниҳояси.
* * *
18.00 Якшанба дастурининг оқшом кўрсатувлари.
18.05 «Дараҳчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи...»
18.40 «Мульти-пульти».
19.00 «Дунё қуриб — дунё ярат».
19.20 «Дилором наволар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Таманно».
21.20 «Умрбоқий мерос».
21.35 «Меэбон».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Видео — «О».
00.10—00.20 «Мувозанат». Келгуси ҳафта тақвими ишқибозлари учун.
III
17.25 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.30—21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 Эълонлар.
22.35—23.00 «Панорама».
IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Парле ву франсе».
11.50 «Жонли сайёра».
12.10 Киносалон. Акиро Куросаванинг «Ран» фильми.
14.40 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
15.20 «Биргаликда куйлайлик».
16.10 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
16.40 «Сенинг вақтинг».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.00 «Мультқарусель».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Телеташирф».
19.35 «Дарвоқе». Дам олиш кўрсатуви.
20.00 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
20.15 Эълонлар.
20.20 Киносалон. Б. Бертолуччининг «Ўгри фариштэ» фильми (Италия).
22.30 «Иштирок этувчилар».
23.00 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
23.30 «Эллада». Рождество дастури.
24.00 Эълонлар.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ДУШАНБА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Қиз ва қувончлар», «Буюк ёпилиш». Мультфильмлар.
8.50 «Қушиғим — жон қушиғим».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.45 Бокс бўйича Ўзбекистон кубоги. Ярим финал.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Тошкентга саёҳат». Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрининг спектакли.
13.30 «Кўнгил тароналари». Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Эркатой».
18.40 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.00 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21

1997 «ОДИЛ» фирмаси

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини,
бутун ўзбек халқини кириб келаётган

ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН

муборакбод этади.



Эл-юрт обод, Ватанимиз қудратли, ватандошларимиз саодатли бўлсин!
Азиз юртдошлар, Янги йил мамлакатимиз учун қутлуғ келиб,
барчамизнинг дилимиздаги олижаноб ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Шатранж оламида

ШЕЪР ИЛА ШАҲМАТНИ ҚИЁС АЙЛАДИМ

Яқинда республика спортчиларига туҳфа қилинган ажойиб бино — Олимпия шон-шуҳрати музейи шаҳмат шинавандалари билан гавжум бўлди. Ҳашаматли бинога тўпланган шахмат мухлислари: фахрийлар, етакчи спортчилар, умидли ўринбосарлар Ўзбекистон халқ шоири, республика шахмат федерациясининг вице-президенти Эркин Воҳидовнинг 60 йиллиги олдидан у билан суҳбат қуришни лозим топдилар.

Кечанинг уюштирилишидан мамнун бўлган ардоқли шоир: мен учун шаҳмат эрмак эмас, балки феъл-атворимни тарбиялашда ўзига хос ўрин тутувчи ажойиб бир воситадир. Унинг кўмагида мен воқеликни холисона баҳолашга, таъбир жоиз бўлса, ўз фаолиятимда етти ўлчаб бир кесишга ўргандим, дейди. Ижод ва жамоат ишлари билан банд инсон учун бундай фазилат зарурлигини эътироф этди. Шоирнинг бундан қарийб 30 йил муқаддам ёзган машҳур «Ўзбегим» асари дунёга келгач, орадан кўп ўтмай «Шеър ва шахмат» мухлисларга ҳавола қилинган эди. «Шеър ила шаҳматни қиёс айладим», деган сатри билан бошланувчи бу асари ҳам кўп тилларга таржима қилинган эди. Биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамовнинг фожиали ўлими муносабати билан шоир битган саккизлик телевидение орқали ўқилганини кўпчилик эслайди.

Кеча сўнггида халқаро гроссмейстерлар Сайдали Йўлдошев, Михаил Салтаев ва бўлажак гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов кўп тахтада алоҳида-алоҳида бир йўла ўйин сеанслари ўтказдилар. Ўзбекистон чемпиони С. Йўлдошевга қарши дона сурган Эркин Воҳидов икки соатлик қизғин курашлардан сўнг фахрли дурангга эришди. Бунда асло муросасизлик рўй бергани йўқ. Учрашув иккала томон учун ҳам кўнгилдагидек якунланди.

ЖОЙИГА ЯРАША ДАРАЖА

Атлантика океанида жойлашган, Испанияга қарашли Канар оролларининг довруғи оламга машҳур. Бу ердаги гўзал оромгоҳ шаҳарларидан бирида жаҳоннинг энг илғор олти гроссмейстери: Г. Каспаров, А. Карпов, В. Крамник, В. Ананд, В. Иванчук ва И. Кафанов иштирокида икки даврадан иборат ғаройиб мусобақа бошланди. Ўртача рейтинг даражаси мисли кўрилмаган рақамни ташкил этувчи бу турнирга 21-даража берилди. Бунақаси шаҳмат тарихида бўлмаган эди. Бундан кейин, «аср матчи» номи билан тарихда қолувчи бу баҳсда юзага келаётган вазиятлар ўзининг хилма-хиллиги, мундарижаси мураккаблиги билан шаҳмат аҳлини мафтун этмоқда. Дастлабки учрашувлардан сўнг аввал Г. Каспаров, сўнгра В. Ананд бошқалардан хиёлгина илгарилаб кетди. Супер турнир ниҳоясига етди. 10 имкониятдан 7 очко тўплаган жаҳон чемпиони Г. Каспаров ғолиб чиқди. Иккинчи соврин В. Анандга тегди. В. Крамник билан И. Кафанов 3-ўринни баҳам кўрдилар.

РУСТАМНИНГ ЯНА БИР ДОВРУҒИ

Куни кеча Россия Федерацияси пойтахтида улкан мусобақа ниҳоясига етди. Россия кубоги учун бўлган баҳсларда хорижий мамлакатлардан ҳам вакиллар қатнашди. Асосий таркиби машҳур гроссмейстер ва мастерлардан иборат бу турнирда республикамиз вакили, 17 ёшли иқтидорли халқаро мастер Рустам Қосимжонов 198 иштирокчи орасида фахрли 5-ўринга кўтарилиб, гроссмейстерлик йўлида яна бир бор бонг урди. Ундан умидимиз катта.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Умргузарон одамлар

99 ЁШЛИ ҲАЙДОВЧИ

Калифорния штати. Ирвинлик Жон Чэпменни «кўнгли ёш қария» ҳам дейишади. «Энг эзгу истагим-100 ёшдаям машина ҳайдаш». Ҳа, қария репортёрларга берган интервьюсида шу орзусини қайта-қайта таъкидлаб ўтади.

— Айнан шуни хоҳлайман — 100 ёшдаям аввалгидек рулда ўтирсам, — дейди 99 баҳорни қаршилаган механик. — Ўтган умримда минган энг зўр машинам «Олдсмобиль»дир. «Женерал Мотрос» компаниясида бу машина билан узоқ йиллар ишладим. Агар яна шунча йил яшаш насиб этса, яна шунча йил фақат машинада «юрардим».


Баъзида асрга тенгдош одамлар кўз ўнгимизда жуда нуроний булиб гавдаланишади. Лекин Жоннинг машина кабинасида йигитлардек гоз ўтириши-ю, машинасининг елдек учишини кўрган киши ҳайдовчининг юз ёшлилигини тасаввур ҳам этолмаса керак. Айниқса, унинг янги ҳайдовчилик гувоҳномасини олисдаги тест синовларидан «силлиқ» ўтганини кўрсайдингиз! Ҳозирда чоли тушмагур «Женерал Моторс Сатурн — 94» маркали тўрт эшикли автомобилини ҳайдаганда, балиқ сувда яйрагандай шодланиб кетади. Агар сиз Жонни машина ҳайдашга бироз қариб қолмадимикин, деб иккилансангиз хато қиласиз. «Йўлни имиллаб кесиб ўтаётган кексаларни кўрсам дилим вайрон бўп кетади. Назаримда ғайратим танамга сигмаётгандек бўлади. Эҳ, агар 100 ёшдаям «учиб» юрсам... Зўр иш бўларди-да! Мана буни бориб турган кўрсаткич деса бўлади!»

Узоқ умр кўрган инсонларни кузатган бўлсангиз уларнинг кўнглида ҳамиша шижоат ҳисси жўшиб турган. Демак, кўнгил қаримайди, деганлари ҳақ экан.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

«МУМТОЗ АДАБИЁТ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарийлар. Жавоблар шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида ёзилади.



1. «Ҳибат-ул ҳақойиқ» достони муаллифи, шоир ва донишманд. 2. Мактуб тарзида ёзилган шеърий асар. 3. Шеърхонлик анжумани, шоирлар мусобақаси. 4. Шарқ халқлари шеъриятининг асосий вазн тури. 5. Ўзбек мумтоз шоири Дурбек достонининг қаҳрамони. 6. Энг камида 12 байтли мадҳия мазмунидаги шеър. 7. Алишер Навоийнинг «Сабъаи-сайёр» достонидаги олтинчи ҳикоя қаҳрамони.8. Қуръон суралари, Марказий Осиё ва Хуросонда таниқли шоирларнинг ғазал ва достонларини ёддан айтувчи киши. 9. Хоразмда машҳур бўлган халқ достонларидан бирининг қаҳрамони. 10. Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонидаги мардлик ва паҳлавонлик тимсоли. 11. Саъдий Шерозий асарларидан бири. 12. Халқ ўртасида нозик, фаҳмлилик билан айтилувчи кичик ҳикоя. 13. XVIII аср охири, XIX аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек шоири, масалнавис. 14. Жангнома мавзуидаги энг қадимий афсоналардан бири. 15. Ғазал мулкининг султони, жаҳон адабиёти намоёндаси, ўзбек хамсанавис шоири. 16. Аёллар улуғланган ўзбек халқ эртакларидан бири. 17 XVIII асрда яшаб ижод этган шоир, адабиётшунос Лутфалибек Озарнинг кўплаб шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асари. 18. XIX аср ўзбек шоири, тарихнавис олим, таржимон. 19. XIV аср ўзбек адабиёти намоёндаси, «Муҳаббатнома» достони муаллифи. 20. Муҳим тарихий воқеалар ва машҳур шахслар ҳақида кўтаринки руҳда ёзилган шеър. 21. «Қиссаи Сайфулмулк» ишқий саргузашт достонининг муаллифи. 22. Халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган тури. 23. Шарқ бадиий ижодининг улуғланган соҳаси. 24. Оғзаки ижоднинг қадимий шакли. 25. Шоир ва ижодкорларнинг мукаммал тўплами. 26. Ўзбек мумтоз шоири ва олими, саркарда, давлат арбоби. 27. Атоқли форстожик шоири Абулқосим Фирдавсий достони. 28. Бадиий ижодда маълум ғояни кўчма маънода ифодалаш. 29. Адиблар ҳақида қисқа маълумотлар берилиб, асарларидан намуналар келтирилган тўплами.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Газетанинг навбатдаги сони 1997 йил 1 январь, чоршанба куни чиқади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 00.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА